

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УДК.....

**ДЖУМАБОЕВ ИҚБОЛЖОН БУРХОНУЛЛАЕВИЧ**

**Наманган вилоятилик таниқли раҳбар  
ходимларнинг қатағон қилиниши, уларнинг тақдири**

мавзусидаги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Мутахассислик: 5А120301 - Ўзбекистон тарихи

**Илмий раҳбар: Р.Т.Шамсутдинов**  
*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими*

Андижон – 2012 йил

# **М У Н Д А Р И Ж А**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I.БОБ. МУАММОНИНГ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ</b>	
<b>I.1. Мавзуга доир манбалар таҳлили .....</b>	<b>11</b>
<b>I.2. Муаммо тарихшунослиги .....</b>	<b>22</b>
<b>II.БОБ. ОММАВИЙ ҚАТАҒОННИНГ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ ФОЖЕАЛАРИ</b>	
<b>II.1. Оммавий қатағоннинг бошланиши ва унинг механизми.....</b>	<b>28</b>
<b>II.2. Қатағонга тортилган наманганлик раҳбар ходимлар ва уларнинг тақдири.....</b>	<b>42</b>
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>76</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>80</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Биз бугун мутлако, яъни мустабид шўро ҳукумати, унинг коммунистик мафкурасидан фарқ қилган ҳолда жамият ва давлат тузилиши жиҳатдан тубдан ўзгача бир Конституцияли тузумда яшамоқдамиз. Қонуний ҳолда мустақилмиз. Бундай ҳолатни бугун бутун дунё ҳамжамияти тан олди. Демак, халқаро ҳуқуқда тенгмиз.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” деб номланган янги китобидан жой олган 1990 йил 4 июндаги маърузасида шундай дейилган: “Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар бўлсин, “оқ доғ”ларни бутунлай тугатилиши тарафдоримиз”<sup>1</sup>.

Президентимиз Ислом Каримов ҳали истиқлолга эришмаган, ўта оғир ижтимоий-сиёсий вазиятда, қизил империя ҳали ағдарилмаган, тарихшуносликда коммунистик методология ҳукмрон бўлган бир пайтда ҳам совет режимининг мудҳиш қатағон сиёсатини фош этишга журъат этган эди. Ниҳоят бугунги кунда янги демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси нафақат мустабид тузумнинг сир-синоатини ўрганишини, балки уни идрок этиш ва ундан сабоқ чиқаришни тақозо этади.

Айнан, 1937-1938 йилларда қўлланилган қатағон сиёсати ва унинг фожеали оқибатларини тарихийлик ва ҳолисийликдан келиб чиқиб, таҳлил ва талқин қилиниши лозим. Президентимиз И.А.Каримов совет тузуми даврини таҳлил қилар экан: “Ҳар қайси халқ, миллий кадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган халқ, босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан ҳолис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади.”<sup>2</sup>, - деб таъкидлайди.

Зеро, бугунги кўплаб ҳақиқатларнинг асл манбаи шўролар даври тарихи хилқатлари қаърига яширинган даврида иқтисодиёт таназзулга маҳкум этилиб, унда давлат мулки ҳукмронлиги, мажбурий коллективлаштириш, фожеали оқибатларга олиб келинган қатағон, сургун қилиш сиёсати қарор топди. Ижтимоий ҳаёт коммунистик асосда мутлақ мафкуравийлаштирилди. Демак, ушбу тарихий воқелик ва ҳодисалар турлича кўринишларда зиддиятларга бойлиги, мудҳиш оқибатлари ҳамда тарихий тараққиётнинг орқага сурилиши халқимизнинг XX аср тарихида оғир из қолдирди. “Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллий кадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга қодир бўлган маърифат ва маънавият йўлида фидоийлик кўрсатган барча ақл заковат соҳибларининг”<sup>3</sup> минглаб кишилари жисмонан йўқ қилинди. “Ўйлаб чиқарилган сохта айбловлар бўйича Ўзбекистонда 1937-1938 йилларда ҳаммаси бўлиб 41000 дан зиёд киши қамоққа олинган, улардан 37000 дан ортиқ киши жазоланган, 6920 киши отиб ташланган”<sup>4</sup>.

Коллективлаштиришнинг қатағон билан боғланганлиги натижасида давлат ва жамоат арбоблари, фан ва адабиёт намоёндалари, ўқитувчилар ва журналистлар қаторида сиёсатдан мутлако узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, хунарманд косиблар, ишчи ва хизматчилар ҳам бегуноҳ қурбон бўлдилар.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, «Катта қирғин»нинг айнан аҳоли зич бўлган Наманган вилоятидаги раҳбар ходимларнинг қатағон қилиш амалиёти қандай кечгани, 1938 йил октябрь бошларида Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр

<sup>1</sup> Каримови И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011. 166 –бет

<sup>2</sup> Каримов Ислом. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 97-бет.

<sup>3</sup> “Халқ сўзи” газетаси. 2000 йил, 13 май.

<sup>4</sup> “Правда востока” 1991 г, 15 сентябрь.

йиғилишларида наманганлик кўплаб партия, давлат, жамоат арбоблари, айниқса зиёлилар, адиб, шоирлар, фан ва олий ўқув юртлари ходимлари, Ўзбекистоннинг таниқли кишиларининг маълум вакиллари отувга, 12 йил, 10-8 йил қамоқ жазосига ҳукмлари ва фожеалари алоҳида тадқиқот сифатида талқин этилади.

Ушбу магистрлик диссертация орқали ана шу ҳарбий коллегиянинг ҳар бир йиғилишида ҳукмга тортилган 507 нафар раҳбар ходимлар ичида ҳозирга қадар аниқланган 150 нафар раҳбар ходимлар орасида наманганлик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номенклатурасидаги раҳбар ходимлар ҳақида тартибли равишда маълумотлар келтиришга ҳаракат қилинди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Магистрлик диссертацияси мавзусига киритилган айнан раҳбар ходимларнинг қатағон қилишнинг тарихий даври тарихшунослиги совет тарихи фанида ўрганилган эмас, мустақиллик йилларида ҳам раҳбар ходимларнинг қатағон қилиниши ҳали тадқиқот иши сифатида ёритилганича йўқ, чунки ушбу маълумотлар тарихшунослигимизда ўрганилмаган, материаллар илмий истеъмолга киритилмаган.

Мустақиллик шарофати туфайли, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 1999 йил 12-майда “Ватанимиз истиқболи ва озодлиги йўлида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга дучор қилинган ватандошларимиз номларини аниқлаш, фаолиятларини ўрганиш, хотираларини абадийлаштириш” мақсадида чиқарилган фармойишга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори ватанимиз тарихидаги долзарб муаммони ўрганишга қонуний йўл очди.

Қатағонлик даврини ўтган асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб хорижлик тарихнавислар ҳам ўргана бошладилар. Уларнинг ичида айнан ўша давр жафосини ўз бошидан кечирган ватандошларимиздан Б. Ҳайитов, М. Чўқайлар ҳам бор. Чунки 1920-йилдан кейинги совет ҳукумати томонидан Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши, “социализм” қурилиши режаси асосида коллективлаштириш, кулоқлаштириш, миллий истиқлолчилик ҳаракати натижасида қатор Туркистонлик муҳожирлар тақдири бунга асос қилиб олинди. Улар ўзларининг миллат ва миллий тарихига оид ўз асарларини ёзишни бошладилар. Қатағон йиллари келтирган фожеалар фақат Ўрта Осиёда эмас, балки бутун шўро тупроғи бўйлаб ёйилган эдики, Россия, Украинанинг ватанпарвар тарихчилари ҳам 1980–йиллардан кейин ушбу даврни тўлалигича ёрита бошладилар.<sup>1</sup>

Ушбу сиёсий қатағонлик даврини тадқиқ қилиш мақсадида Россия ва бошқа республикалардаги илмий жамоатчилик томонидан илмий ва амалий анжуманлар ўтказилди ва улар таъсирида “Шаҳидлар хотираси” хотира китоблари яратилди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> История Сталинского ГУЛАГа конец 1920-х-перв. пол.1950-годов: Собрание документов в 7-ми томах /гл.ред. серии В.П.Козлов. Т.1. Массовые репрессии в СССР. М, РОССПЭН, 2004; Россия XX век. Документы ГУЛАГ(главное управление лагерей) 1918-1960. Составители: И.А.Кокурин, Н.В.Петров./ Науч.ред. В.Н.Шостановский М., Материк, 2002; Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы 1927-1939. в 5-ти томах Москва РОССПЭН, 1999-2005 гл. ред. серии В.П.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола. М., 1999-2004; Советской деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД 1918-1939. материалы и документы в 4-х томах. Под ред. А.Береловича (Франция), В.Данилова (Россия). М., 1998-2003; Лубянка. Сталин. ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 22-декабрь1936 (Россия XX век, документы). – М., МФД, 2003.

<sup>2</sup> Репрессированные народы. История и современность. Материалы Всероссийской научной конференции – Карачаевск, 1994; Политические репрессии в России. XX век. Материалы региональной научной конференции. Сыктывкар, 7-8 декабря 2000 год. Сыктывкар, 2001.; Книги памяти жертв политических репрессии «Бутовский полигон», 1937-1938 годы. В шести томах. М.,

Аммо, кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, Ўрта Осиё халқларининг катагон тарихи тўлалигича ёритилган эмас, фақатгина Шимолий Кавказ, Украина, Шимолий Қозоғистон ва Узоқ Шарқ ўлкаларидаги камоқхоналар ва меҳнат тузатиш лагерларидаги ҳужжатларда номлари сақланиб қолинган Ўрта Осиёлик “қулоқ” ва маҳбусларнинг оз сонли қисми кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 22 июлда “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қабул қилинган қарорлари муҳим босқич бўлди ва мустабид тузум даврини, ҳамда у келтирган фожеалар саҳифаларини ўрганиш борасида муайян қадамлар қўйилди. Миллий ғоя асосида ёритилган илмий тадқиқотлар натижалари дунё юзини кўра бошлади.<sup>1</sup>

Мустақиллик йилларидан бошлаб, катагон даврида ўзбек халқининг бошига тушган фожиали жараёни атрофлича тадқиқ ва таҳлил қилиш ҳамда тарихий ҳақиқатни очишда ватанпарвар тарихчи, 2001-йилдан Андижон шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси раиси, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, т.ф.д, профессор Р.Т.Шамсутдинов раҳбарлигида қатор илмий экспедициялар ўтказилди ва қўлга киритилган архив маълумотлари асосида ёзилган илмий асарлар нашрдан чиқарила бошланди.<sup>2</sup>

Бундан ташқари Наманган вилояти таркибига кирувчи барча туманларда 1930-1932 йилларда амалга оширилган “Қулоқлаштириш” компанияси ҳамда 1937-1938 йиллардаги қирғин ғилдирагини айлантиришда хизмат қилган И.В.Сталин, Н.Ежов, Берия ва айнан В.М.Молотовнинг МКнинг 1937-йил феврал-март Пленумидаги катта нутқидан кейин, жорий йилнинг 30-августидан ишлаб чиқарилган №00447, №00486-рақамли буйруқлари оқибатида келтириб чиқарилган оммавий катагон қурбонлари тўғрисида ҳам илмий рисоалар, мақолалар чоп этилмоқда.<sup>1</sup> Бу материаллар Наманган вилояти туманлари мисолида ўрганилаётган мавзуга оид магистрлик диссертация ишига хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** Диссертация ишида Наманган вилоятида катагон қилинган давлат номенлатурасидаги раҳбар ходимлар тарихини ўрганишда ошқоравийлик, холисийлик нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, тамоман янгича методология асосида тадқиқ қилинди. Тадқиқотда миллий ғоя ва миллий истиқлол мафқураси руҳи ва

<sup>1</sup> Ҳасанов Мажид. Файзулла Хўжаев. Т., Ўзбекистон, 1990. – 204 б., Қаҳрли кунлар. (Мақолалар, мактублар, бадиҳалар). Т., Камалак, 1991. – 208 б.; Маҳмудов М. Катагон қурбонлари. Т., “Ўқитувчи” 1991; Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Т., «Фан» 1991; Шамсутдинов Р.Т. Жасоартларга тўла ҳаёт соҳиби. Андижон, 1991; Набижон Боқи. Қатлнома. Т., 1992; Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М. Истиқлол учун кураш фидойилари. Андижон «Мерос» 1993; Турсунов И. Истиқлолга интилган қалблар нидоси. Т., 1993; Қиличев Ф. Зулматдан садолар. Т., «Адолат», 1994; Шамсутдинов Р.Т. Жертв репрессии. Андижан, «Мерос»1994; Наимов Н. Мен яшашни истайман. «Бухоро» нашриёти, 1994; Шукрулло. Репрессия – мусибатли йиллар ситами. // Қасосли дунё: (мақолалар). Т., Ўзбекистон, 1994. -75-92 бб.; Узоков Ҳ. Қалблар нидоси. Тарихий илмий публицистик очерклар. !! жилд. Биринчи, иккинчи китоб. Т., “Адолат”, 1997; Аҳророва Х. Истиқлол фидойилари. Изларини излайман. Т., «Шарқ», 1998. Германов.В.А. История Туркестана в условиях политического террора. 20-30 – х годов. Ташкент, “Узбекистан”, 2000.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р.Т. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т. “Шарқ”, 2001; Ўша муаллиф Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т. “Шарқ”, 2001; Ўша муаллиф: Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё Республикалари мисолида). Т. “Шарқ”, 2003; Шамсутдинов Р.Т., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сурғунидаги юртдошлар қисмати. Т. “Шарқ”, 2005; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. Андижон. “Андижон – Нашриёт - Матбаа”, 2004. – 348 – 455, 582 – 607 бетлар. Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск I. – Т. «Шарқ». 2005. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылки. 1929-1955 гг. Каримов Н.Ф., Шамсутдинов Р.Т. документы и материалы. 3 томов. Р.Шамсутдинов, М.Акбарова. Шимолий Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2009.

<sup>1</sup> Р.Т.Шамсутдинов, Юсупов Э, Ҳошимов С, Дўсматов Э. Трагедия среднеазиатских кишлак в годы большого террора. Документы и материалы. Андижан, 2007.; Ватанимиз ўтмишидан. Андижон, 2007.; Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Тошкент: Шарқ, 2006. ва бошқалар.

талаблари асосида Ўзбекистонда 1937-1938 йилларда амалга оширилган «Катта қирғин» сиёсати тарихига доир илмий асарлар тарихшунослик нуқтаи назаридан биринчи бор алоҳида мавзу сифатида ўрганилди ва назарий хулосалар чиқарилди. Тадқиқот иши ўрганилган масалага яъни 1938 йил октябрь бошларида Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишларида кўплаб партия, давлат, жамоат арбоблари, айниқса зиёлилар, адиб, шоирлар, фан ва олий ўқув юртлири ходимлари, Ўзбекистоннинг таниқли кишиларининг маълум вакиллари отувга, 15 йил, 10-8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлари, олий жазога ҳукм этилганлар ўша ҳукм эълон қилинган куннинг ўзидаёқ отиб юборилганликларини янгича муносабатда ёндашилганлиги билан, муаммонинг турли жиҳатлари яхлит бир мавзу сифатида тадқиқ этилиши билан тавсифланади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари:** тадқиқот учун танланган мавзунинг моҳияти ва долзарблиги, давр тарихининг ўрганилганлик даражасидан келиб чиқиб, янги архив хужжатлари, қатағон қилинган раҳбар ходимлар ва уларнинг авлодлари билан суҳбатлар натижаларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш бош вазифа қилиб олинган ва тадқиқотда куйидаги муаммоларни ҳал этиш вазифалари қўйилган:

- ўрганилаётган мавзунинг назарий методологик асослари ва тарихшунослигини ўрганиш, қатағон қилинган раҳбар ходимлар тарихига аниқлик киритиш.

- Наманган вилояти туманлари ва қишлоқлари мисолида амалга оширилган жазо ва қатағонлик сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини талқин этиш.

- Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон сиёсатига ҳаққоний баҳо берган, унинг барча салбий жиҳатларига танқидий ёндашган мақола, ўқув қўлланма ва монографияларни тарихшунослик жиҳатидан таҳлил қилиш ва уларда ўрганилган масалаларни совет даври адабиётларига қиёслаш;

- Мустақиллик йилларида чоп этилган илмий тадқиқот асарларини ўрганиш ва тизимга келтириш.

- Ўрганилган адабиётлар ва манбаларни назарий жиҳатдан умумлаштирган ҳолда, бугунги кунда республикамизда қатағон сиёсатини ўрганиш борасида қилинаётган ишларга тавсия ва таклифлар бериш.

- Қатағон қурбони бўлганларнинг авлодларини излаб топиш, улардан хотира ва эсдаликлар олиш ҳамда илмий истеъмолга киритиш.

**Тадқиқотнинг даврий чегараси:** мавзу орқали Наманган вилоятида 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин» натижасида юқори чўққисига етказилган қатағонлар даври киритилган бўлиб, бу даврнинг мазмун моҳияти, унинг фожеали оқибатлари талқин этилади.

**Тадқиқотнинг назарий методологик асослари.** Магистрлик диссертация мавзусига оид назарий методологик асосларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддалари, Ўзбекистон Республикаси миллий ғоясининг мақсад, вазифалари, халқимизнинг миллий менталитетидан келиб чиққан ҳолда миллий ғоя асос қилиб олиниб, унинг методологик тамойилларини бугунги кунда ўзбек миллий тарихшунослик фанида амал қилинаётган назарий ва амалий қарашлар чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, маъруза ва илмий мақолаларида, Давлат ва ҳукумат фармонлари ҳамда қарорларида илгари сурилаётган услубий кўрсатмалар ташкил этади.

**Тадқиқот тузилиш** жиҳатдан кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмидан иборат.

## І.БОБ. МУАММОНИНГ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

### І.1. Мавзуга доир манбалар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида Ўзбекистон ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб машъум хатарларни неча бор кўргани, уларнинг жабру-жафосини тортганини таъкидлаб: “Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожеали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. **Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ.** Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган.”<sup>1</sup>

Дарҳақиқат бугунги истиқлол ўтмишимизни, буюк тарихимизни, ўзлимизни қайта тикланишининг бош омилидир.

Тадқиқ қилинаётган ушбу магистрлик диссертацияси мавзуси тарихшунослик, ўрганилиш даражаси билан ҳам долзарбдир. Зеро, бу мавзу айнан тадқиқот объекти сифатида талқин этилмаган бўлса-да, Ўзбекистон, Ўрта Осиё, собиқ Иттифоқ миқёсида ўрганилган ва ўрганилаётган, таҳлил қилинган, манбалар ва ҳужжатлар тўпламлари яратилиб илмий истеъмолга киритилаётган мавзудир. Аввало, ушбу мавзу орқали ёритилиши керак бўлган, яъни «Катта қирғин» номини олган қатағон ҳақида гапиришдан олдин ана шу қирғинга асос бўлган коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун масалаларининг сўнгги йилларда чет эл тарихшунослиги ҳамда ўзбек тарихшунослиги жиҳатларига қисман тўхталиб ўтишни лозим топдим. Қисман дейилишига сабаб, бу ҳақда яратилган китобларнинг умумий ҳажми жуда катта бўлиб, айримлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилади холос.

Дарвоқе, ушбу масалани ёритишда “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси томонидан олиб келинган архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламлари, проф. Р.Шамсутдинов томонидан ва унинг раҳбарлигида яратилган тумкум адабиётлар ҳамда интернет тармоғидаги <http://ru.wikipedia.org/wiki/> - материалы из Википедии – свободной энциклопедии, [www.uzmeros.uz/books.hph](http://www.uzmeros.uz/books.hph). - “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси сайтида келтирилган қатор китоблари асосий манбалар сифатида фойдаланилди.

Совет ҳукумати даврида ҳам коллективлаштириш ва унинг оқибатлари тарихига бағишланган айрим архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламлари нашр этилган.<sup>1</sup> Бу ҳар икки тўпلامда кўпгина қимматли ҳужжатлар эълон қилинган. Уларнинг аксарияти коллективлаштириш ва қулоқлаштиришни ижобий томондан тасвирлашга хизмат қиладиган, Коммунистик партия, совет давлатининг аграр сиёсати ва амалиётини расмий нуқтаи назардан, совет мафқураси, ғояси руҳида кўрсатишга қаратилган ҳужжатлардан иборат эди. Масаланинг чинакам моҳиятини, салбий оқибатларини кўрсатувчи ҳужжатлар тўпламларга киритилмаган. Чунки, бундай ҳужжатлар маҳфийлик тамғаси билан сақланар, уларни илмий истеъмолга киритиш қатъиян ман этилган эди. Шунга

<sup>1</sup> Каримов Ислон. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 4-бет.

<sup>1</sup> Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления коммунистической партии и советского правительства. 1927-1935. – Москва, 1957. Подготовка условий сплошной коллективизации в Узбекистане (1927-1929гг.). Сборник документов. под ред. док.ист.наук О.Б.Жамалова. Т., 1961: Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930-1932гг.) Сборник документов. под ред. члена корреспондента АН УзССР. Р.Х.Аминовой. -Т.: Узбекистан, 1980.

карамай, бу ҳар икки тўплам катта аҳамиятга эгадир, тадқиқотчилар улардан танқидий фойдаланишлари мумкин.

Коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва сургун қилиш тарихи юзасидан архив ҳужжатлари тўпламларининг нашр этилиши Россия Федерациясида яхши йўлга қўйилганини ва собиқ Иттифоқ даврида махфий сақланиб, тадқиқотчилар учун ман қилинган ҳужжатларни илмий истеъмолга солишда қилинган ибратли ишларни қайд этиш лозим. “Совет қишлоғи фожеаси: коллективлаштириш ва кулоқлаштириш”<sup>1</sup> номли 5 жилдлик (айрим жилдлар икки китобдан иборат) ҳужжатлар ва материаллар тўплами 1999-2007 йиллар мобайнида нашр этилиши катта воқеа бўлди.

Россия Фанлар академияси Россия тарихи институти, Инсон ҳақида фан уйи (Франция), Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик Марказий архиви, Энг янги давр тарихи институти (Франция) ҳамкорлигида, А.Берелович (Франция), В.Данилов (Россия) таҳрирлигида 4 жилдлик (ҳар бир жилд 2 китобдан иборат) “Совет қишлоғи ВЧК-ОГПУ-НКВД нигоҳида. 1918-1939 йиллар.”<sup>2</sup> ҳужжатлар ва материаллар тўплами босиб чиқарилди. Бу тўпламда собиқ Иттифоқдаги кишлоқлар фожеаси, куч ишлатиш органлари – ВЧК, ОГПУ ва НКВДларнинг деҳқонларга нисбатан тутган қатағон сиёсати катта ва кенг миқдордаги ҳужжатлар асосида очиб берилган. Бу тўпламлардан жой олган ҳужжатлар ва материаллар асосан Федерал хавфсизлик хизмати Марказий архивидан олинган. Уларда Давлат сиёсий идораларининг Марказда ва жойлардаги органлар томонидан кишлоқда олиб борган фаолияти ёритилган. ВЧКнинг ахборот варақалари, бюллетенлари, оператив маълумотлари, ОГПУ ва НКВДнинг информацион материаллари келтирилганки, улар ниҳоятда қимматлидир ва коллективлаштириш, кулоққа тортиш, сургун қилиш масаласини холисона яратишга имкон беради. “Совет қишлоғи фожеаси”нинг сўнгги 5 - жилди иккинчи китоби 2006 йил нашрдан чиқди. Унда 1938-1939 йиллардаги воқеалар, айниқса 1938 йилнинг биринчи ярмига қадар Катта террор ва ундан сўнг эса бу террорни юмшатиш учун қилинган чора-тадбирлар келтирилган.

Россия Федерацияси маданият ва оммавий коммуникациялар министрлиги, Федерал архив агентлиги, Россия Федерацияси давлат архиви, АҚШдаги урушлар, революциялар ва тинчлик Гуверов институти 2004-2005 йилларда Москвадаги РОССПЭН нашриётида “Сталиннинг ГУЛАГ тарихи” номли 7 жилддан иборат ҳужжатлар тўпламини босиб чиқардилар<sup>1</sup>. Биринчи жилдда СССРдаги оммавий қатағонлар, иккинчи жилдда жазо тизими, тузилиши ва кадрлар, учинчи жилдда ГУЛАГ иқтисодиёти, тўртинчи жилдда ГУЛАГ аҳолиси: миқдори ва уларни боқиб туриш шароитлари, бешинчи жилдда СССРдаги махсус кўчкдилар, олтинчи жилдда махбусларнинг кўзғолонлари, исёнлари ва иш ташлашлари, еттинчи жилдда совет қатағон-жазо сиёсати тизими масалаларига доир шу вақтгача сир сақланган махфий ҳужжатлар биринчи бор нашр юзини кўрган. Бу тўпламлардаги ҳужжат ва материаллар совет режимининг 20-йиллар охири ва 50-йиллар бошларидаги қатағон сиёсатининг туб моҳиятини, жараёнини очиб берган бирламчи

<sup>1</sup> Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. 1927-1939гг. гл. ред.: В.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола (главные редакторы). Сост: В.Данилов, М.Кудюкина и др. - Москва: РОССПЭН, 1999; Том 5. Книга 2. 1937-1939гг. Москва: РОССПЭН, 2006.

<sup>2</sup> Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы в 4 томах. Ред. коллегия: А.Берелович (Франция), В.Данилов (Россия). Сост: Л.Борисова, В.Данилов, Н.Ивницкий, В.Кондрашин и др. -Москва: РОССПЭН, 1998; Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Том 3. 1930-1934. Книга 2. 1932-1934. Документы и материалы. Ред. коллегия: А.Берелович, В.Данилов, Н.Верг, и др. Сост: Л.Борисова, В.Данилов, Н.Перемышленникова, Н.Тархова и др. -Москва: РОССПЭН, 2005.

<sup>1</sup> История Сталинского ГУЛАГА. Массовые репрессии в СССР. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в семи томах. отв.: ред.: Н.Верст, С.В.Мироненко. Сост: И.А.Зюзина и др. Том 1. -Москва: РОССПЭН, 2004; История Сталинского ГУЛАГА. Советская репрессивно-карательная политика и пенитенциарная система в материалах Госархива РФ. Аннотированный указатель дел. отв. ред.: В.А.Козлов, С.В.Мироненко. Сост: А.В.Добровская и др. Том 7. Москва: РОССПЭН, 2005.

манбалар ҳисобланади. Улардаги материаллар совет давлатининг барча минтақаларидаги катагон ҳолатини акс эттиради. Жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, катагон жараёнини акс эттирадиган ҳужжатлар ҳам оз бўлса-да мавжуддир.

А.Н.Яковлевнинг умумий таҳрири остида “Россия XX асрда. ГУЛАГ ҳужжатлари 1918-1960 йиллар.”<sup>2</sup> номли ҳужжатлар тўпламининг чоп этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди.

“Любянка. Сталин. ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. 1922 йил январь – 1936 йил декабрь”<sup>3</sup> номли архив ҳужжатлар тўпламида ҳам коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш чоғида ҳамда сургун давомида совет режими ва унинг жазо органларининг олиб борган катагон сиёсати ва амалиёти қисман ўз аксини топган. 2004 йили “Любянка. Сталин ва НКВДнинг давлат хавфсизлиги Бош Бошқармаси. 1937-1938йй.”<sup>1</sup> номли архив ҳужжатлари тўпламининг нашр этилиши ҳам ушбу мавзунинг манбавий базасини кенгайтди. Бу тўпламлардаги ҳужжат ва материаллар ҳозирги МДХ давлатларининг яқин ўтмишида, 30-40 – йилларда совет режимининг қишлоқ аҳолисига, айниқса деҳқонларга қарши фуқаролик уруши олиб борганини яққол тасаввур қилиш имконини беради ҳамда улар тадқиқотчилар учун манбавий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу тўпламларда партия-давлат ҳамда ўлка, вилоят партия комитетлари, ОГПУ, НКВД, Россия Федерацияси Давлат Хавфсизлик хизмати, суд, прокуратура архивларидаги махфий материаллар илмий истеъмолга киритилди<sup>2</sup>.

Муаммонинг манбавий асосларидан “Совершенно секретно: Мутлақо махфий. Любянка. Сталин. Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида (1922-1934йй.)” номли 11 жилдлик ҳужжатлар тўпламини<sup>3</sup> ҳам назарда тутиш лозим. Унинг ҳозиргача 8 жилди босмадан чикди. Уни Россия Фанлар академияси, Россия тарихи институти, Россия Федерацияси Федерал хавфсизлиги хизмати Марказий архиви, Россия ва Финландия тарихчилари комиссияси, Финландия Фанлар академияси, Торонто университетининг Сталин давридаги архивлар Маркази тайёрлаган. Тўпламда 1922-1934 йиллардаги СССРнинг сиёсий аҳволи шарҳи йилма-йил, ойма-ой берилган ва шарҳда Иттифоқнинг барча минтақалари қамраб олинган. Масалан, Шарқ миллий республикалари ва автоном областлари рукни остида Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон республикаларидаги ҳолатлар ҳам берилган. Масалан, ОГПУ раиси ўринбосари Ягода, ОГПУнинг Информацион бўлими бошлиғи Алексеевнинг 1928 йил сентябр оyi учун берган шарҳида Ўзбекистондаги солиқ компанияси, пахтачилик компанияси, ғалла тайёрлов, советларга қарши чиқишлар, октябрь ойида эса пахтани реализация қилиш кампанияси, солиқ кампанияси, ер-сув муносабатлари, декабрь оyi учун шарҳда Ўзбекистондаги сайлов компаниясидаги камчиликлар, камбағал, батрак ва ўртаҳолларнинг иштирок этиши, антисовет элементларнинг фаоллиги ҳақида фактик материаллар келтирилган<sup>1</sup>.

<sup>2</sup> Россия XX век. Документы ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1918-1960. сост: И.А.Кокурин и Н.В.Петров. Научный редактор В.Н.Шостановский. -М.: Международный фонд «Демократия», 2002.

<sup>3</sup> Россия XX век. Документы. Любянка. Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 1922-декабрь 1936. сост: В.Н.Хаустов, В.П.Наумов, Н.С.Плотникова. -М.: Международный фонд «Демократия», 2003.

<sup>1</sup> Россия XX век. Документы. Любянка. Сталин и главное управление госбезопасности НКВД. 1937-1938. сост: В.Н.Хаустов, В.П.Наумов, Н.С.Плотникова. -М.: Международный фонд «Демократия», 2003.

<sup>2</sup> Шамсудинов Рустамбек, Мамажонов Алишер. Шимолий Кавказ сурғунидаги юртдошлар қисмати. -Т.: Шарқ, 2005. 39-бет.

<sup>3</sup> “Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922-1934гг.). Сост: А.Н.Сахаров, Г.Н.Севостьянов и др. –Москва, 2000-2008.

<sup>1</sup> Қаранг: Совершенно секретно: Любянка – Сталину о положении в стране (1922-1934гг.). Том 6. -М., 2002. 480-630 – бетлар.

Айниқса, ушбу тўпламнинг кейинги 8, 9, 10, 11 жилдларига Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги коллективлаштиришга оид кўплаб материаллар киритилган. Ўрта Осиёдан кулоқлар, маҳбуслар 1932-1935 йиллари Москва-Волга канали қурилишига сафарбар қилинган ва улар энг катта ва даҳшатли Дмитров лагериди бўлиб, канал қурилишида иштирок этганлар. Аммо канал қурилиб ишга тушгандан кейин 1937-1938 йиллардаги Катта террорда мазкур лагердагилар, жумладан ўзбекистонликлар отувга ҳукм қилинган. Уларнинг бир қисмининг номлари аниқланди. Бу ҳақдаги маълумотлар тўпламдан<sup>2</sup> жой олган. Хуллас, ана шу тўплам ҳам мавзу учун манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

«Катта қирғин» фожеаларининг асоси коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун масалаларига бориб тақалади. Шу сабабдан 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон масалаларини ўрганишда аввало, унга асос бўлган омиллар ҳақида тушунчага эга бўлишимиз шарт ва зарур.

Россия Федерацияси ФА Тарих институтининг еткази илмий ходимлари, тарих фанлари докторлари В.Н.Земсков ҳамда Н.А.Ивницкийларнинг бу масалаларга аталган ва мавзу тарихшунослигига илмий безка берадиган асарлари ҳақида тўхталиб ўтмаса бўлмайди.

“Хуллас, В.Н.Земсков билан Н.А.Ивницкийнинг асарлари бутун собиқ Иттифок бўйича коллективлаштириш билан боғлиқ кулоқлаштириш, кулоқ хўжалиқларининг сургун қилиниши, махсус кўчқиндилар, сургундагилар каби номлар билан аталган собиқ деҳқонларнинг аянчли, фожиали ҳаёти, тақдири масалалари ўзининг илмий ифодасини топган”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси, Бобур номидаги Андижон давлат университети томонидан тайёрланиб профессор Д.А.Алимова таҳрири остида нашрдан чиққан уч жилдлик ҳужжатлар ва материаллар тўплами<sup>2</sup> мазкур мавзуни тадқиқ қилишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди. Бу тўплам, нафақат Ўрта Осиёда, ҳатто Россия Федерациясида ҳам илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди, марказий журналларда тақризлар эълон қилинди.<sup>3</sup>

Умумий ҳажми 90 босма табоқдан ортиқ бўлган ушбу китобларни профессор Р.Шамсутдинов ва доцент Б.Расулов илмий изланишлар асосида нашрга тайёрлаб, уни уч жилд ҳолатда чоп этдилар.

“Ўрта Осиё қишлоғи фожеаси” китоби 5 бўлимдан иборат, унинг 1- жилдига Ўрта Осиё республикаларида амалга оширилган мажбурий коллективлаштириш ва деҳқонлар оммасининг колхозлаштиришга қарши ҳаракатлари, кулоқлаштиришнинг моҳияти ва унинг амалга оширилиши кўрсатилган 243 та ҳужжат киритилган. 2-жилдда кулоқ қилинган деҳқонларнинг сургун ва депортация қилиниши, шунингдек, Ўрта Осиё, Украина, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қозоғистонда совет режими томонидан ташкил

<sup>2</sup> Бутовский полигон. 1937-1938гг. Книга памяти жертв политических репрессий. В 7 томах. -М.: Панорама, 1998-2000.

<sup>1</sup> Р.Шамсутдинов, М.Акбарова. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2009. 14-бет.

<sup>2</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивания, ссылка. 1929-1955гг. Документы и материалы. Том I-III. Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.Расулов. под ред. Д.А.Алимовой. –Т.: Шарқ, 2006. Том I- 656 с., Том II-494 с., Том III-351 с.

<sup>3</sup> Юсупов Э. Ценное издание о трагических страницах истории коллективизации в Средней Азии./ История Узбекистана. -Т., 2007. -№3. –С.77-79; Раҳмонов Равшан, Ражабов Қаҳрамон. Ўрта Осиё қишлоғининг фожеаси: тарихий ҳақиқат ва реаллик (ёхуд давр фожеаси ҳужжатлар нигоҳида). / Андижон ёшлари. 2007, 31 март; Андижоннома. 2007, 28 апрель; Земсков В.Н., Юсупов Э.Ю. О книге «Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивания, ссылка в 3-х томах». // Отечественная история, -М., 2007, -№ 3; Юсупов Э. Уникальный источник по истории коллективизации в Средней Азии. // Научный вестник. – Андижан. -№1-2.

қилинган махсус меҳнат посёлкалари ҳақида 233 та ҳужжат мавжуд. Китобнинг яқунловчи 3-жилдидан ўрин олган бешинчи бўлим материаллари “қулоқ” қилинганлар тақдирига бағишланган бўлиб, 168 та ҳужжат “қулоқлар”нинг қайта қатағон қилиниши, мажбурий меҳнат кўчкдиларининг Иккинчи жаҳон урушида қатнашуви, “қулоқлар”нинг озод қилиниши каби учта мавзуга ажратилган.

Ҳужжатлар ва материаллар тўплами китоби Ўрта Осиё халқларининг XX аср тарихини ўрганишнинг муҳим манбаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. XXI асрда тарихчилар, адабиётшунослар, файласуфлар ва политологлар бу китобда эълон қилинган материаллар ва архив ҳужжатлари асосида ўз тадқиқотларини янги маълумотлар билан тўлдирадilar.

Китобларда нафақат Ўзбекистонга, балким бутун Ўрта Осиё минтақаларида XX асрнинг 20-30-40 – йиллари давомида ижтимоий, сиёсий ҳаётида содир бўлган воқеа ҳодисаларнинг ҳуқуқий асосларига оид туркум ҳужжатлар эълон қилинган. Фан учун ниҳоятда қимматли бўлган бу ноёб ҳужжатлар Россия Федерацияси Хавфсизлик хизмати Марказий архивидан, Россия Федерацияси давлат архивидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивидан олинган бўлиб, аксарият ҳужжатлар биринчи бор эълон қилинган.

Бу 3 жилдлик тўплагма унинг давоми сифатида қўшимча, тўлдирувчи сифатида яна бир тўплагм нашр этилди<sup>1</sup>. Унга 147 та архив материаллари киритилган. Аввалги 3 китобдаги 637 та ҳужжат билан, жами 784 та ҳужжат Ўрта Осиёдаги коллективлаштириш фожеасини ёритишда муҳим бирламчи манба сифатида қимматли эканини англаш мумкин.

ОГПУ доимий вакиллиги ҳузуридаги учликнинг баённомаларида қулоққа тортилганларни отувга, 8-10 йил концлагерга ҳукм қилинганлари акс эттирилган. Ўша учлик 1930 йил 27 октябрда 5054-сонли иш бўйича 19 кишини отувга, 73 кишини 8-10 йилдан концлагерга ҳукм қилди. Худди ўша куни қорақалпоғистонлик 24 киши устидан ҳукм чиқарди. Учликка кўриб чиқиш учун 1931 йил 24 октябрда тақдим қилган 26 маҳбуснинг тергов ишларида ҳар бир айбланувчининг тавсифномаси берилган.

Якка тартибда қишлоқ хўжалик солиғига тортилганлар ҳақидаги материалларни ва шикоятларни кўриб чиқувчи Марказий комиссиянинг баённомалари ҳам тўплагма киритилгани муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу баённомаларда қулоққа тортиш учун тайёрлаб қўйилган материаллар қанчалик реал асосга эга эмасликлари акс эттирилган. Бошқача қилиб айтганда, кўплаб деҳқонларга асоссиз қишлоқ хўжалиги солиқлари солинган, солиқ миқдори керагидан ортиқ даражада бўлгани, уни бажаришнинг иложи йўқлиги, шу боис қулоқлаштиришдаги кўпол хато ва нуқсонларни англаш мумкин бўлади. Хуллас, бу сингари янги ҳужжатлар кўп бўлиб, улар масалага янгича ёндашув имконини беради. Тўплагма район учликлари йиғилишлари баённомалари ҳам киритилган.

Тўплагмдан ЎзССР Халқ Комиссарлар Советининг қарорлари, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учликнинг баённомалари ҳам ўрин олганки, уларда деҳқонларни қулоққа тортиш жараёни, шакли, услублари акс эттирилган.

“Ўрта Осиё қишлоғи фожеаси”, “ Катта террор даврида Ўрта Осиё қишлоқлари” архив ҳужжатлар тўплагмларининг нашр этилиши Ўрта Осиёнинг 20-30 – йиллардаги тарихини, айниқса, қишлоқдаги аҳволни, жараёни илмий, ҳолисона ёритишда муҳим, асосий манбалардан бири бўлиб қолди.

Р.Т.Шамсутдиновнинг “Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун” номли монографик тадқиқотида Ўрта Осиё минтақасидаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва бу сиёсий кампанияларга қарши ҳаракатлар, қишлоқдаги инқилобий

<sup>1</sup> Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю. Хошимов С., Дусматов Э.П. -Андижан, 2007.

харакатлар, аёллар кўзғолонлари, 1930-1932 йиллардаги “кулоқлар” сургун, мухожирликдаги “кулоқлар”, Украинага, Шимолий Кавказга сургун қилинганлар ҳаёти, Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкалари, “кулоқлар”нинг ўз юртларига қайтиши масалалари ёритилган.<sup>1</sup>

Р.Шамсутдинов томонидан яратилган Ўзбекистонда советларнинг амалга оширган кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (-Т.: Шарқ, 2001) номли монографик асарида айнан мавзунинг тарихшунослигига оид қатор чет эл, Россия, Ўрта Осиёда ва Ўзбекистонда яратилган манба ва тадқиқотлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилади.

Ўзбекистонда коллективлаштириш, кулоқ қилиш ва сургун этиш тарихининг турли талқинлари, коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун ва уларга қарши деҳқонлар кураши, Шимолий Кавказга сургун қилинганларнинг фожеали ҳаёти қатта, кенг, хилма-хил манбалар асосида ёритилган яна бир монографик тадқиқот<sup>2</sup>да, аввал эълон қилинмаган, Ўзбекистон, Москва, Ставрополь ўлкасида махфийлик тамғаси билан сақланган архив ҳужжатлари ҳамда сўнгги вақтда хорижда нашр юзини кўрган ҳужжат ва материаллар эълон қилинган.

“Тарихнинг ҳасратли саҳифалари”<sup>3</sup> китоби коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун, босмачилар, ГУЛАГ лагерларидаги маҳбуслар қисмати, колаверса сиёсий қатағон қурбонлари тарихига бағишланган. Р.Шамсутдинов, А.Мамажонов, М.Акбарова, Б.Расулов, Ф.Холназарова, М.Ғаниева ва бошқаларнинг ҳаммуаллифликда ёзган мақолалари жой олган, мавзунинг турли йўналишлари бўйича янги материаллар, янгича талқинлар киритилган.

“Ватанимиз ўтмишидан”<sup>1</sup> тўпламидаги мақолалардан коллективлаш-тириш қурбонлари ҳақида янги маълумотлар, туманларда ўтказилган коллективлаштириш ва “кулоқ” қилиш жараёнлари, қатл этилган андижонлик собиқ “кулоқ”лар, Ўзбекистон “меҳнат посёлкалари”даги “кулоқлар”нинг такроран қатағон қилиниши каби туркум мақолаларини қайд этиш лозим.

1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин», ёки «Катта қирғин» қирғинида ҳаммадан кўра кўпроқ кулоқлар азоб тортган, шу боис «Катта қирғин» айбдорларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Россия Федерациясида мазкур мавзу кенг ва атрофлича ёритилган. Ана шу мавзу бўйича мавжуд бўлган турли қарашлар 2007 йилда яратилган китоб<sup>2</sup>да шарҳлаб, таҳлил қилиб берилган.

Китобда 1937-1938 йиллардаги фожеада биргина Сталинни айбдор қилиш ва бутун кенг кўламдаги ва ўта оғир, мудҳиш фожеанинг фақат Сталин номи билан боғлаш адолатдан эмаслиги, бунда троцкийчи-зиновьевчи мухолифат блоки, халқаро сионист ва массончилар, “бешинчи колонна”, узокдан бери раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган партия функционерлари экани кўрсатилган.

Айни бу функционерлар, партия корчалонлари ўзларининг мавқеларини, раҳбарлик лавозимларини қўлда сақлаб қолиш мақсадида “аксиланкилобчилар”, “советларга қарши кучлар”, “собиқ кулоқлар”, “жиноятчилар”ни советларга сайлов ўтказиш жараёнига қаршилиқ кўрсатаётганликда айблаб, уларга нисбатан кескин репрессив чоралар кўришни Марказдан, Сиёсий бюродан, Сталиндан сўраб мурожаат қилганликлари ҳам китобда очиб берилган. Бу ўринда Ўзбекистоннинг раҳбари Акмал Икромов, ҳукумат раиси Файзулла

<sup>1</sup> Шамсутдинов Рустамбек. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2003. 17-18-бетлар..

<sup>2</sup> Шамсутдинов Рустамбек, Мамажонов Алишер. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2005. – Б.335.

<sup>3</sup> Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. –Т.: Шарқ, 2006. –Б.303.

<sup>1</sup> Ватанимиз ўтмишидан. –Андижон: Andijon-nashriyot-matbaa, 2007. –Б.200.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Рустамбек. Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талқинлар. –Андижон: Университет, 2007. –Б.87.

Хўжаев ва у билан бирга бир гуруҳ раҳбар ходимлар устидан Сиёсий бюрога хат ёзиб, уларни қатағон қилишни сўрагани ҳам китобда келтирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

1937-1938 йиллардаги катта террорнинг асосий зарбалари, энг аввало, “собик кулоқлар”га қаратилган. Шу боис ҳам унга нисбатан «Катта қирғин» деган тушунча юзага келган. XX асрнинг 20-30 – йилларда кулоққа тортилган, қамоққа ҳукм этилган, сургун қилинган “собик кулоқлар” 1937-1938 йилларда такроран қатағон этилган. Уларнинг бир қисми учлик қарорлари билан отиб юборилган, яна бир қисми 8-10 йил муддат билан меҳнат тузатув лагерларига ҳукм қилинган.

Ана шу “собик кулоқлар”ни номма-ном аниқлаш, уларнинг тақдирини аниқлаш борасида Ўзбекистонда тегишли ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирнинг ўзида фақат 1937 йилда учлик қарори билан қатағон қилинганлар ҳақида 3 та китоб нашр этилди<sup>1</sup>.

## 1.2. Муаммонинг тарихшунослиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” деб номланган янги китобидан жой олган 1990 йил 4 июндаги маърузасида шундай дейилган: “Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар бўлсин, “оқ доғ”ларни бугунлай тугатилиши тарафдоримиз”<sup>1</sup>. Ушбундан шу нарса аниқки совет режими давридаги қатағон масаласи мустақилликка эришишдан аввалроқ тадқиқот учун объект бўлиб қолган. 1956 йил партиянинг XX съездида Сталин шахсига сиғиниш оқибатларини тугатиш тўғрисидаги сиёсий йўл бошланиши билан қатағон қурбонларини реабилитация қилиш ва уларнинг ҳаёт йўлини ёритиш сари дастлабки қадамлар қўйилган эди. Бутун иттифоқ жараёнидаги ана шу тендаенсия Ўзбекистонга ҳам хос эди. Шу боис 20-30-йилларда Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарлари ҳисобланмиш Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ҳар бирига 3 жилдликдан иборат тўпламлар нашр этилди. Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида юз берган катта ўзгаришлардан бири эди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг раҳбар ходимларидан Султон Сегизбоев, Исроил Ортиқовлар ҳақида рисоалар нашр этилди.<sup>1</sup>

Таниқли жамоат арбоби, қатағон қурбони Лазиз Азизода “Янги ҳаёт курашчилари” китобини 1976 йили “Фан” нашриётида элон қилди. Унда совет режими даврида қатағон қилинганлардан Абдулла Раҳимбоев, Абдулла Рўзибоқиев, Садуллахўжа Турсунхўжаев, Абдулхай Тожиев, Нишон Ризаев ва бошқаларнинг ҳаёт йўлидан лавҳалар берилган. 1987 йили “Ўзбекистон” нашриёти совет даврида раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келган, 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” даврида қатғон қилинганлардан Д.И.Манжара Абдулла Раҳимбоев, Садулла Турсунхўжаев, Нажиб Хусаинов, Карим Ҳакимов, Аллаёр Дўстназаров қабиларнинг ҳаёт йўлидан қисқача лавҳалар 1987 йили “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Революцией призванные” биографик ўчкерлар тўпламида берилган. 1991 йили тарихчи олим Маткарим Махмудовнинг барҳаёт сиймолар<sup>2</sup>, Р.Шамсутдинов таҳрири остида ва муаллифлигида “Ўзбекистон” нашриётдан чиққан “Инқилоб жангчилари” китобларида ҳам 1937-1938 йилларда қатағон

<sup>1</sup> Шамсутдинов Рустамбек. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август-5ноябрь). Иккинчи китоб. –Т.: Шарқ, 2007. –495 б.; “Репрессия” 1937-1938гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э., Мамажонов А, Дўсматов Э. –Т.: Шарқ, 2007. –495 с.; “Репрессия” 1937-1938гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарқ, 2008. –573 с.

<sup>1</sup> Қ.Ҳасанов, Ф.Муҳиддинова. Султон Сегизбоев. “Ёш гвардия”, Тошкент, 1978; П.Ким. Исроил Ортиқов “Ёш гвардия”, Тошкент, 1978; 47-Б.

<sup>2</sup> М.Махмудов. Барҳаёт сиймолар. Тошкент, “Ўзбекистон” 1991. 198 Б.

қилинганларнинг бир гуруҳи ҳаёти ва фаолиятига оид лавҳалар очерклар эълон қилинди. Бироқ бу асарларда ҳали ҳамон коммунистик парти ва совет давлатининг сиёсий ва мафкуравий доирасидан чиқмаган ҳолда тарихий воқеалар талқин қилинган эди. Бу асарларда кўплаб илмий, фактик камчилик нуқсонлар ва хатолар мавжуд эди, қатағон қилинганларнинг қисмати очиб берилмаган эди. Қолмишига, бу даврда мутлақо махфий тамғаси босилган ҳужжат ва материаллар махфий равишда махсус архивларда сақланаётган эди, тадқиқотчилар улардан фойдаланиш имкониятига эга эмас эдилар. Шунинг ҳам айтиш керакки айрим муаллифлар асарларида кўчирмачиликка йўл қўйилгани ҳам кўзга ташланар эди. Атига бир мисол, муаллиф А.М.Қосимовнинг “Революцией призванные” тўплам китобига “Сағдулла Турсунхўжаев (1891-1940)” номли мақоласи киритилган. Ваҳоланки, Садуллахўжа Турсунхўжа ҳақида Лазиз Азизоданинг китоби берилган эди. А.М.Қосимов айнан шу мақолани ру тилида ўгириб берган. Қолаверса А.М.Қосимов Садуллахўжа Турсунхўжаевни 1940 йилда ҳаётдан кўз юмган деб ёзади ваҳоланки Садуллахўжа Турсунхўжаев 1938 йилнинг 4 октябрида СССР Олий судининг Ҳарбий ҳайъати С.Турсунхўжаев ишини кўриб чиқиб, Ўзбекистон ҳудудида ҳаракат қилган миллатчилар аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси сифатида уни олий жазога ҳукм қилинди. Ҳукм ўша кунгача ижро этилди.<sup>1</sup> “Революцией призванные” китобида Д.И.Манжара, Т.Рискулов, Қайғиз Отабоев, Султон Сегизбоев, Иосиф Варейкс, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Алланазар Дўстназаровларнинг қатл қилиниши 1937 йил деб кўрсатилган. Исроил Ортиқовнинг вафоти 1942 йил қилиб кўрсатилган булар мутлақо нотўғридир. Аслида 1938 йил 15 мартда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевлар, қолганлари 1938 йил октябрда қатл этилганлар.

Ўзбекистондан “Катта қирғин” йилларида қатағон қилинганларнинг ҳаёти ва фаолияти Муस्ताқиллик йилларида алоҳида ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Булар қаторига Р.Т.Шамсутдинов, Н.Каримов, Шерали Турдиев, Файзулла Қиличов, Сирожиддин Аҳмадларнинг асарлар<sup>2</sup>ини қўшиш мумкин.

Мавзу тарихшунослигининг айрим масалалари Тадқиқотнинг илмийлик, тарихийлик асосини ва амалий материал базасини асосан архив ҳужжатлари асосида ёритилган адабиётлар ташкил қилади. Бу адабиётлар республика “Мерос” жамғармаси ижодий гуруҳининг 2001, 2004, 2008, 2011 йилларда Россия Федерацияси, Шимолий Кавказ ўлкаси, Шимолий Қозоғистон, Украина республикалари, республикамизнинг Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари бўйлаб ўтказилган илмий экспедицияларда жамланган ва фонд ҳолатида сақланаётган архив ҳамда дала материаллари, ҳужжатлари, фотосуратлар, эсдаликлар асосида яратилган бўлиб, ҳам илмий, ҳам тарихий аҳамият касб этади.

Мавзу тарихшунослигини ёритишда чет эл тарихшунослигини ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Хориж тарихшунослигида бу масала кўпдан бери муҳим ҳисобланиб келинди. СССРда, жумладан, Ўрта Осиёдаги коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш тарихини ҳолисона ёритадиган, советларнинг бу соҳадаги сиёсатини фош этувчи асарлар яратилган<sup>1</sup>. Бу асарларда Ўрта Осиёдаги деҳқонлар коллективлаштириш, қулоқ қилишга қаршилик кўрсатганликларини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Улар деҳқон эркин ва мустақил бўлгандагина яхшироқ ишлайди ва мамнун бўлади, шу боис улар якка хўжаликни афзал билганлар, ер участкасидан маҳрум бўлишни истамаганлар,

<sup>1</sup> Рустамбек Шамсутдинов, Ўқтамбек Убайдуллаев. Ҳурлик туйғуси билан яшаган эди... Ўзбекистон матбуоти. 5/200236

<sup>2</sup> Р.Т.Шамсутдинов “Жертвы репрессии” Андижон, “Мерос” 1994. Б.96; Н.Каримов. Чўлпон. Тошкент, “Шарқ”, 2003. Б.463; Н.Каримов, Ш.Турдиев. Боту. Тошкент, “Шарқ”, 2004. Б.190; Файзулла Қиличев. Зулматдан садолар. Тошкент, “Адолат” 1994. Б.158; Сирожиддин Аҳмад. Қаям Рамазоннинг ушалмаган орзулари. Тошкент, “Ўзбекистон номидаги Миллий кутубхонаси нашриёти” 2005. Б.58

<sup>1</sup> Р.Шамсутдинов. Ўзбекистонда советларнинг амалга оширган қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001. 18-30 – бетлар.

коллективлашти-ришнинг моҳиятини яхши тасаввур қила олмаганлар, деган хулосага келганлар.

Ушбу асарда, Ж.Уиллер коллективлаштириш даҳшатли, деспотик тарзда бирлаштиришнинг ўзи бўлган, “подани бир жойга тўплаш” деган маънони англатади, деб кўрсатилган<sup>2</sup>.

Хориж тарихчиларидан Пьер Фроман совет давлати ўз деҳқонлари билан инсонпарварларча муомала қилиш учун ҳеч қандай далил топишни истамади ва топа олмади ҳамда бу йўлдаги уриниш фақат дилисиёҳлик келтирди: давлат озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга қобил эмаслигини кўрсатди.

Аксарият хориж олимлари Коммунистик партия ва совет давлати деҳқонлар манфаатларига қарши қаратилган мақсадларни қўйган деган хулосага келганлар.

СССР парчаланиб кетгандан сўнг америкалик олимлардан Л.Виола Россиянинг тарихчи олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, бу мавзунинг янгидан-янги қирраларини очиб берди. Унинг 1996 йили Оксфорд университетида нашрдан чиққан “Сталин давридаги деҳқонлар қўзғолони. Коллективлаштириш ва деҳқонлар қаршилигининг маданияти” номли китобида совет қишлоқлари фожеасини, коллективлаштириш, қулоқлашти-ришга қарши қаратилган деҳқонлар қўзғолонлари, террорчилик, унинг шакллари, террорнинг сабаблари, деҳқонларнинг ўзга, бегона юртларга сургун қилиниши очиб берилган. Л. Виола шунингдек, қулоқ қилинганларга қарши қишлоқ аҳолисининг ҳайрихоҳликлари, қишлоққа тажовуз қилинаётган бир пайтда қишлоқ аҳолисида аҳлик, жипслик, бирлик ҳукм сурганини кўрсатиб берган.

Аmmo бу каби ижобий, тўғри талқинлар совет тарихшунослигида масалани “буржуача сохталаштириш” деб қабул қилинган эди. Истиқлол туфайли хориж тарихшунослигини тўғри тушуниш ва ундан фойдаланиш имконияти яратилди.

Мавзу тарихшунослигини очиб бериш учун, ҳали бажарилиши керак бўлган ишлар етарлича. Чунки, ушбу мавзу нафақат ҳар бир мамлакат миқёсида, балки вилоятлар, туманлар кесимида ҳам алоҳида ўрганилса айни муддао бўлади. Чунки, тарих учун қисқагина 20 йиллик тарихни (1929-1950 йиллар) тўлақонли очиб бериш, унинг мазмун моҳияти, оқибатларини халқимизга етказиш учун тарихчилар ва айниқса биз каби ёш тарихчилар олдига улкан вазифаларни қўяди. Бунинг учун илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, семинарлар, конференциялар уюштириш, хориждаги адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, шунинг натижасида бу мавзунинг манбавий базаси ва тарихшунослиги янада бойитиш мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>2</sup> Ўша манба, 17-бет.

## Ў.БОБ. ОММАВИЙ ҚАТАҒОННИНГ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ ФОЖЕАЛАРИ

### II.1. Оммавий қатағоннинг бошланиши ва унинг механизми

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 1999 йил 12-майда “Ватанамиз истиқболи ва озодлиги йўлида миллий истиқлол ва таракқиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга дучор қилинган ватандошларимиз номларини аниқлаш, фаолиятларини ўрганиш, хотираларини абадийлаштириш” мақсадида чиқарилган фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда шу каби бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ватанамиз тарихидаги долзарб муаммолардан бири 1937-1938 – йиллардаги «Катта қирғин», ёки кейинги мақола ва адабиётларда «Катта қирғин», “Катта қирғин” номи билан машҳур бўлган қирғин тарихини ўрганишга қонуний йўл очилди, илмий ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Ана мақсадни кўзлаб, ёритилаётган ушбу масала юзасидан тўхталиб, аввало «Катта қирғин»нинг моҳияти, унинг диапазони ва фожеалари ҳақида қисқача тўхталишни лозим деб билдик.

ВКП(б) Сиёсий бюроси 1937 йил 2 июлда "Советларга қарши унсурлар тўғрисида" қарор чиқариб, "катта террор" учун старт берди деса бўлади. Ана шу қарор асосида НКВД 00447-сонли “ўта махфий” буйруқ чиқарди. Унга кўра, 1937 йил 5 августдан 1938 йил ноябрь ўрталаригача махсус ташкил этилган "учлик"лар камида 800 000 кишини, улардан ярмини отувга ҳукм қилиш белгиланган.

1937 йил августидан НКВД миллий операциялар ўтказиш бўйича яна бир неча буйруқлар қабул қилади. Бу билан 1937-1938 йиллардаги террор қурбонлари сони деярли 350 минг кишига кўпайтириб юборилади.<sup>1</sup> 1937 йил 30 июлда СССР Ички ишлар халқ комиссари Н.Ежовнинг "Собиқ кулоқлар, жинойтчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида"ги 00447-сонли оператив мутлақо махфий тамға остидаги буйруғида қатағон қилинган, қатағон бўлишдан яшириниб юрган, лагерлардан, сургунлардан ва меҳнат посёлкаларидан қочиб келган собиқ кулоқларнинг катта қисми қишлоқларда ўрнашиб қолгани қайд этилган.

Давлат хавфсизлиги органлари қарорда белгиланган антисовет элементлари бўлганларни ҳеч ҳам аямасдан тугатиш, меҳнаткашларни, совет халқини уларнинг аксилинқилобий хуружларидан ҳимоя этиш ва уларнинг Совет давлатининг асосига, негизига қарши қилган аблаҳона кўпорувчилигини тағ-туғи билан абадул-абад йўқ қилишни зарур деб билган ва қирғин сиёсати оммавий амалиётга айланиб кетган.

Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб 1937 йил 5 августдан барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собиқ кулоқлар, фаол антисоветчи элементлар ва жинойтчиларни қатағон қилиш бўйича операция ўтказиладиган бўлди. Бу операция Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРда 1937 йил 10 августдан бошланиши белгиланди.

Буйруқда операцияни ўтказиш бўйича 9 пунктдан иборат йўриқнома ҳам келтирилган<sup>2</sup>. Қатағон қилинадиганлар контингенти қуйидагилардан иборат эди:

1.Жазони штаб қайтган ва фаол антисовет кўпорувчилик фаолиятини давом эттираётган собиқ кулоқлар.

2.Лагерлар ёки меҳнат посёлкаларидан қочиб кетган собиқ кулоқлар, шунингдек, кулоққа тортилишдан яшириниб, советларга қарши фаолият олиб бораётган собиқ кулоқлар.

<sup>1</sup> Рустамбек Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). Иккинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2007. 15-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 16-бет.

3. Исёнкор ва фашистик, террорчи ва бандитлар қўшилмаларидаги, жазони ўтаб, катағондан яшириниб ёки қамоқ жойларидан қочиб кетган ва ўзининг советларга қарши жинояткорона фаолиятини тиклаб олган собиқ кулоқлар ва ижтимоий хавфли унсурлар.

4. Советларга қарши партиялар (эсерлар, грузмекилар, Дашноқлар, муссаватчилар, иттиҳодчилар) аъзолари ва катағондан яшириниб юрганлар, қамоқ жойлардан қочиб кетганлар ва фаол антисовет кўпоровчи фаолият олиб бораётган собиқ оқлар, жандармлар, чиновниклар, жазо берувчилар, бандитлар, бандитларга кўмаклашаётганлар, переправшиклар, реэмигрантлар.

5. Тергов ва текширув агентлари материаллари билан фош қилинган, тугатилган казак-оқ гвардиячиларнинг исёнкор ташкилотлари, фашистик, террорчи ва жосус-кўпоровчи қўшилмаларнинг энг душман ва фаол иштирокчилари. Шунингдек, ҳозирда қамоқда, терговда сақланаётган, уларнинг айримларининг иши тугаган, бироқ ҳали суд органлари кўриб чиқмаган ана шу тоифадаги унсурлар ҳам катағон қилиниши кўзда тутилган.

6. Турмаларда, лагерларда, Меҳнат посёлкаларида ва колониялар қамоқхоналарида сақланаётган ва бу жойларда фаол антисовет кўпоровчилик иши олиб бораётган собиқ кулоқлар, жазокорлар, бандитлар, оқлар, сектантлик фаоллари, черковчилар ва бошқалар.

7. Жиноий фаолият олиб бораётган жиноятчилар (бандитлар, талончилар, Ўғри-рецидивистлар) ва жиноий муҳит билан боғланганлар.

8. Лагерлар ва меҳнат посёлкасидагилар ва у жойларда жиноий иш олиб бораётган жиноятчи элементлар.

9. Ҳозирги вақтда қишлоқларда, колхозларда, совхозларда. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ва шаҳарлардаги саноат ва савдо корхоналарида, транспортда, совет муассасаларида ҳамда қурилишдаги юқорида келтирилган барча контингентдагилар катағон қилиниши зарурлиги буйруқда қайд этилган.<sup>1</sup>

Буйруқда операцияни ўтказиш тартиблари ҳам белгилаб берилган. Операцияни 1937 йил 5 августдан бошлаш ва тўрт ой муддатда якунлаш кўрсатиб ўтилган. Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон совет социалистик республикаларида операцияни 1937 йил 10 августда, Шарқий Сибир вилоятида, Красноярск, Узоқ Шарқ ўлкаларида эса 15 августдан бошлаш кўрсатилган.

Барча қамоққа олинганлар ва ҳар хил муддат билан лагер ва турмаларга ҳукм қилинганларга нисбатан ҳукмлар чиқарилиши билан бу ҳақда Н.Ежовга қанча одамга ҳукм чиққани, қанча одам қандай муддатга турма ёки лагерга ҳукм этилгани хабар қилиниши талаб қилинган. Бу маълумотлар олинган Н.Ежов қайси тартибда ва қайси лагерларга ҳукм қилинган маҳбусларни юбориш тўғрисида кўрсатма берган.

Республикалар, ўлкалар ва вилоятлар ҳудудларида маҳаллий шароитлар ва юзага келган вазиятга мувофиқ равишда оператив секторлар ташкил қилинган. Ҳар бир сектор бўйича операцияни ташкил этиш ва ўтказиш учун оператив гуруҳлар тузилган. Бу гуруҳлар ўзларига юклатилган жиддий оператив вазифаларни муваффақиятли эплай оладиган НКВДнинг маъсул ходимларидан иборат таркибда тузилган.

Айрим ҳолатларда оператив гуруҳларнинг бошлиқлари энг тажрибали ва қобилиятли район ва шаҳар ички ишлар бошлиқларидан тайинланган. Оператив гуруҳлар зарур оператив ходимлардан шаклланди ва улар транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган. Оператив ҳолат талабидан келиб чиқиб гуруҳларга ҳарбий ёки милиция қисмлари ҳам берилган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5-томах. Т.5. книга 1. 1937г. 1937-1939. Москва: РОССПЭН, 2004. стр.331-337.

Ҳар бир қатағон қилинаётган учун батафсил маълумотлар, айбдор қилувчи материаллар тўпланган. Бу материаллар асосида қамокқа олинадиганлар рўйхатлари тузилган.

Тасдиқланган рўйхат асосида оператив гуруҳ бошлиғи қамокқа олган. Ҳар бир ҳибсга олиш ордер билан расмийлаштирилган. Ҳибсга олиш пайтида кунт билан тинтув қилинган, қурол. Ўқ-дорилар, ҳарбий анжомлар, портлатувчи моддалар. Заҳарловчи ва заҳарли моддалар. Аксилинқилобий адабиётлар, қимматбаҳо металл монеталар, қўйилмалар, чет эл валютаси, кўпайтирувчи приборлар ва ёзишмалар тортиб олинган. Барча тортиб олинган нарсалар баённомага киритилган.

Ҳибсга олинганлар Ички ишлар халқ комиссарлиги, НКВДнинг бошқарма ва вилоят бўлимлари бошлиқлари томонидан белгиланган пунктларда тўпланганлар. Бу пунктларда қамокқа олинганлар учун яроқли бинолар ажратилган. Ҳибсга олинганлар соқчилар назоратида бўлганлар. Қочиб кетиш ёки бошқа қандайдир эксцесслар бўлмаслигини қафолатлайдиган тадбирлар белгиланган.

"Учлик" қамокдаги махбуснинг ижтимоий хавфлилиги даражасига қараб 2-тоифа бўйича қатағон қилинаётган шахсни 1-тоифага, 1-тоифа бўйича қатағон қилинаётган шахсни 2-тоифага ўтказиши мумкин бўлган. "Учлик" ўз йиғилишларини баённомаларда акс эттириб борган, уларда ҳар бир ҳукм қилинаётган шахсга нисбатан чиқарилган ҳукм ёзиб борилган.

Йиғилиш баённомаси ҳукмнинг ижро этилиши учун оператив гуруҳ бошлиғига юборилган. Тергов ишига ҳар бир ҳукм қилинган шахсга нисбатан баённомадан кўчирма тиркаб қўйилган.

"Учлик"ни ташкил қилиш ва унинг иши буйруқда белгилаб берилган. Буйруқ билан республикалар, ўлкалар ва вилоятлар "учлик"лари таркиби ҳам тасдиқланган.

Ўзбекистон ССР бўйича "учлик" Н.А.Загвоздин (республика ички ишлар халқ комиссари), А.Икромов (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби), Тўрабеков(Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари)лардан иборат тасдиқланган. Унинг йиғилишларида Ўзбекистон ССР прокурори Шейндлин, котиб сифатида эса ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси 8-бўлим бошлиғи лейтенанти Яковлев иштирок этган<sup>1</sup>.

"Учлик" йиғилишларида республика, ўлка ва вилоят прокурори иштирок этишлари мумкин бўлган( агарда у "учлик" таркибига киритилмаган бўлса).

"Учлик" ўз ишини тегишли НКВД ва унинг бошқарма ҳамда бўлимлари жойлашган пунктларда олиб борган, ёки оператив секторлар жойлашган жойга бориб иш кўрган.

"Учлик" унга тақдим этилган ҳар бир махбус ёки махбуслар гуруҳи, шунингдек, сургун қилинаётган ҳар бир оила тўғрисидаги материалларни кўриб чиққан.

Ҳукмлар ижро этилганлиги ҳақидаги "учлик"лар баённомалари зудлик билан СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги Бош бошқармасининг 8-бўлимига юборилган. Унга 1-форма бўйича ҳисоб карточкалари илова қилинган.

1-тоифа бўйича ҳукм қилинганларга бир вақтнинг ўзида баённома ва ҳисоб карточкаси ҳамда тергов ишлари юборилган.

Операциянинг бориши ва натижалари тўғрисида беш кунлик маълумотлар билан ҳар ойнинг 1, 5, 10, 20 ва 25 –кунлари телеграф орқали ва батафсил почта орқали етказиб турилган.

Операцияни ўтказиш жараёнида янгидан очиб ташланган аксилинқилобий уюшмалар, бандитлар ва таловчилар гуруҳлари, юзага келган эксцесслар ва бошқа Ҳавқулоддадаги ходисалар ҳақида зудлик билан телеграф орқали хабар қилиш талаб қилинган.

<sup>1</sup> Р.Шамсутдинов. Репрессия. 1937-1938 гг. Т.2, 3. (баённомалар уларнинг имзоси билан тасдиқланган) – Т.: Шарқ, 2007, 2008.

Операцияларни ташкил этиш ва ўтказишда қатағон қилинаётганларнинг нолегал ҳолатга ўтишларига, яшаш жойидан қочиб кетишларига, айниқса четга чиқиб кетишига, бандитлар ва талончилар гуруҳлари ташкил бўлишига, қандайдир эксцесслар вужудга келишига ҳеч қандай йўл қўймаслик, бу борада тугал чоралар кўриш буйруқда кўрсатилган. Ҳар қандай фаол аксилинқилобий ҳаракатларни юзага келтиришга бўлган уринишларни ўз вақтида аниқлаш ва унга тезкорлик билан барҳам бериш ҳам буйруқда кўрсатилган. Буйруқнинг тўла матни "Россия XX век.ГУЛАГ"<sup>1</sup>(Главное управление лагерей) ва бошқа ҳужжатлар тўпламида ҳам келтирилган.

Интернет маълумотларида келтирилишича 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин»нинг оммавий ва катта миқдорда содир этишининг негизлари коллективлаштириш, қулоқлаштириш, мамлакат ҳудудига чет элдан ёт унсурларнинг лека бошлаши, аксилинқилобий ва коллективлаштиришга қарши норозилик ҳаракатларининг келиб чиқиши каби ўнлаб омиллар сабаб бўлган.<sup>2</sup>

Ана шу "катта террор" даврида, яъни 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича фақат собиқ "қулоқ" лардан 5924 киши, жиноятчилардан 1679 киши, " советларга қарши унсур"лардан 3097 киши, жами 107000 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2 –тоифа бўйича 8-10 йил муддат билан қамоқ жазосига, меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

1-тоифа бўйича отувга ҳукм қилинганларнинг 1376 нафари собиқ қулоқлар, 952 нафари жиноятчилар ва 1285 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган.2-тоифа бўйича ҳукм қилинганларнинг 4548 нафари собиқ қулоқлар, 727 нафари жиноятчилар, 1812 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган.<sup>1</sup>

Кўп жилдлик архив ҳужжатлар тўпламида 1937-1938 йилларда "Учлик" қарори билан ҳукмга тортилган ўзбекистонлик қатағон қурбонлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.Биринчи жилдга 1937 йил 10 августдан 5 ноябргача бўлган вақт ичида "учлик" қарори билан Ўзбекистон бўйича қатағон қилинганларнинг 3083 маҳбусдан 1688 киши отувга, 1369 киши 8-10 йил меҳнат тузатув лагерига (сургун қилиш шarti билан), 36 нафари қамоқдан озод қилишга ҳукм қилингани ҳақидаги маълумот киритилган<sup>2</sup>.

Маҳбусларнинг ижтимоий таркиби қуйидагича бўлган: қулоқлар 1543 киши, колхозчилар 781 киши, диний хизматчилар(имом, эшон, домла ва бошқалар) 437 киши, савдогарлар 149 киши, жиноятчилар 87 киши, бойлар 54 киши, хизматчилар 132 киши, ижтимоий аҳволи аниқланмаганлар 645 киши, улар орасида ҳунармандлар, аравакашлар, қоровуллар, сартарошлар, сотувчилар, ўт ўчирувчилар, нафақахўрлар,ногрионлар,ҳазиначилар, қассоблар, даллаллар ва бошқалар бўлган.

Ана шу рақамларни Наманган вилояти мисолида ўрганмоқчи , таҳлил қилмоқчи бўлсак мавзунинг тарихшунослик бўлимида таъкидланган Р.Шамсутдинов ва унинг шогирдлари томонидан нашр қилинган “”Репресси”, “Қатағон қурбонлари” каби монографик тадқиқотларига мурожаат қилишимиз лозим.

“Катта террор” вақтида Ўзбекистон ҳудудидан ташқари жойларда тақдир тақозоси билан яшаб тирикчилик қилаётган, хусусан, ГУЛАГ ва меҳнат тузатув лагерлари, колониялардаги маҳбуслар, Украина, Шимолий Кавказ ўлкаси, Қозоғистондаги меҳнат, махсус посёлкаларда сургун азобини тортаётган "собиқ қулоқлар" ҳам такроран қатағон қилинган эди. Уларни ҳам аниқлаб ҳисоблайдиган бўлсак, ўзбекистонликлардан мудҳиш "катта террор" қурбонлари миқдори анча кўпаяди. Масалан, 1931 йили Ўзбекистондан Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинган юртдошларимиздан, собиқ қулоқлардан

<sup>1</sup> "Россия XX век.ГУЛАГ "(Главное управление лагерей)1918-1960.М.2002, 96-104 с.

<sup>2</sup> Қаранг: <http://ru.wikipedia.org/wiki/> ёки [www.memo.ru/history/y1937/hronika](http://www.memo.ru/history/y1937/hronika).

<sup>1</sup> Трагедия советское деревни : коллективизация и раскулачивание.Документи и материалы в 5 томах.Т 5, книга 1,1937-1939,Москва.РОССПЭН, 2004,стр.378-388.

<sup>2</sup> Рустамбек Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2007. 20-бет.

Голопристан, Каховский ва Скадовский туманлари бўйича 200га яқин меҳнат кўчкдилари айни ана шу " катта террор" вақтида қатағон қилингани аниқланган.<sup>1</sup>

«Катта қирғин» даврида ГУЛАГ тизимидаги лагерларда 1933-1938 йиллари кўплаб ўзбекистонлик маҳбуслар, собиқ кулоқлар, "иккинчи беш йилликнинг буюк қурилиши" ҳисобланган Москва-Волга ва бошқа каналлар қурилишида фаол қатнашган юртдошлар, уларнинг аччиқ ва фожеали қисмати, тақдирини ўрганиш масаласи ҳам алоҳида тадқиқотлар касб этади.

Махсус қатағон идоралари 1937-1938 йилларда янада кенгайган, ходимлар миқдори ҳам кўпайган ва унинг округларда бўлимлари ҳам бўлган.Пойтахт Тошкентда "учлик" томонидан отувга ҳукм қилинган маҳбуслар Тошкент турмасида ёки сиёсий маҳбуслар уйида сақланаётган бўлса, улар Юнусободдаги қатлгоҳларда, ҳозирги Шаҳидлар хотираси мажмуаси жойлашган жойда отилган. Вилоятлар бўйича отувга ҳукм қилинганлар қайси округда қамокқа олинган бўлсалар, ўша жойдаги қатлгоҳларда отилганлар, яъни ҳар бир округдаги қамокхоналарда олий жазони ижро этувчи ходимлар бўлган.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги "учлик" котиби вазифасини бажарган Яков Михайлович Яковлев мана буларни эслайди: "Учлик" ҳар соатда 100га яқин иш кўрган, ҳукм эса икки хил: олий жазо—отиб ўлдириш ёки 10 йил ёзишма олиб бориш чекланган ҳолда қамок бўлган. Буларнинг иккаласи ҳам ўлим дегани эди.

Барча қамашлар, қатл этишлар ГКВД томонидан олиб борилган, бутун қамокхона лагерлар тизими унинг қарамоғига ўтган.Маҳбусларнинг дўстлари, қариндошлари, таниш-билишлари ҳам қамокқа олина бошланган. Террор режали олиб борилган. НКВДнинг вилоят бошқармалари, туман бўлимлари қамокқа олиш режаларини олиб турганлар.<sup>1</sup>

Маҳбуслар шафқатсиз қийноқларга солинар, калтакланар, бошқалар учун кўрсатмалар беришга мажбур қилинганлар.Ана шундай йўл билан олинган қандайдир кўрсатмалар асосида янгидан оммавий қамокқа олишлар бўлган.

100-150 киши бир хонага ҳайдаб келиниб, уларнинг барчасини деворга қаратиб қўйилган. Бу маҳбусларга талаб қилинаётган кўрсатмалар бергунга қадар ўтиришга ва ухлашга рухсат берилмаган. Хонага ёзув столи ва ёзув-чизув учун керакли нарсалар қўйилган. Кўрсатма беришни ҳоҳлаганлар ўзлари ёзиб берганлар, шундан кейин уларга ухлаш учун рухсат берилган.

Терговчилар ким кўп айбдорни топиш борасида мусобақалашганлар. Агар терговчи кунига бирон-бир маҳбусни ўз "айби"га иқро қилдиришни удалай олмаса, у айбдор ҳисобланган. Аммо қандай усул билан кўрсатма олинганига эришгани билан қизиқмаганлар. Тергов ишлари бўйича айбланган, қамокқа олинганлар миқдори қуйидагича бўлган - 1937 йилда Иттифоқ бўйича 936750 киши, Ўзбекистон ССР бўйича 14873 киши ҳибсга олинган, 1938 йилда эса Иттифоқ бўйича 641762 киши, Ўзбекистон ССР бўйича 20641 киши қамокқа олинган.1939 йили эса Ўзбекистон ССР бўйича 695 киши қамокқа олинган.<sup>2</sup>

Ўзбекистон халқлари устидан ўлим тегирмонини айлантирган жаллодлардан бири Николай Андреевич Загвоздин ( 1898 йилда Тобольск губерниясида крепостной деҳқон оиласида туғилган.2-синф бошланғич маълумотга эга бўлган. 1929-31 йилларда Москвадаги ҳарбий академиянинг кечки бўлимини тугатган. 1917 йилгача Самара, Омск губернияларидаги почта телеграф агентлигида, екатеринбургдаги заводда ишлаган.1917-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Р.Шамсутдинов. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. Т.: Шарқ, 200. 172-262 бетлар.

<sup>1</sup> Файзулла Қиличев. Зулматдан садолар. - Т.: Адолат, 142-143 бетлар..

<sup>2</sup> Право на репрессии. Внесудебные полномочия органов государственной безопасности (1918-1953). "Кучково поле", Москва-Жуковский, 2006, стр. 340-343 .

18 йилларда Омск шаҳар совети ва иртиш дарёси паромининг раиси, 1918 йилдан совет кўшинининг сафида, 1921 йилдан Царицин, Донск, Нижегородск, Валдивосток, Узоқ Шарқ вилоятларидаги ОГПУ, НКВДнинг турли бўлимларида, 1932 йилдан эса Ўрта Осиё бошқармасида, 1934-37 йилларда Ўзбекистон ички ишлар комиссарининг ўринбосари, халқ комиссари, 1937-39 йилларда эса Тожикистон ички ишлар халқ комиссари бўлиб катагон даврининг қонхўрларидан бири сифатида минглаб инсонларни ўлимга ҳукм этган. Бироқ ўзиям қаттол даврда "ишдаги хатолари" учун жазосини тортиб, 1932 йил 9 февралда қамокқа олинган ва 1940 йил 19 январ куни отиб ташланган) эди.

Қамокқа олишлар кечалари ҳамма уйқуда бўлган дамда амалга оширилган. Ҳибсга олинганларга улар қандайдир ташкилотларга аъзо бўлган, Сталин ва бошқа совет дохийлари ҳаётига тажовуз қилиш мақсадидаги суиқасдларда иштирок этган, завод, фабрика ва электростанцияларни йўқ қилишни ҳоҳлаган зараркундалар каби айблар кўйилган. Кўплаб партия аъзолари яширин троцкийчиликка мансубликда айбланганлар. Уларнинг деярли барчаси отиб юборилган.

Тарғибот-ташвиқот туфайли ўзлигини йўқотган, ўз ҳаёти учун кўрқиб қолган одамлар ўз кўшнилари, бирга ишлаётганлари ва ҳатто оила аъзолари устидан хилма-хил, даҳшатли ёлғон, уйдирма айблар тўқиб НКВД органларига мурожаат қилганлар. НКВД органлари олдида навбат кутиб тезроқ чакувни етказиш учун сабрсизлик билан шошилганлар ҳам бўлган.

Террор миллатни бузишга, уни таназзулга олиб келди. Албатта, Сталин катагон қилинганлар орасида кўплаб айбсизлар борлигини биларди. Аммо, унинг фикрича, қурбонлар компанияси кўламининг бу даражада бўлиши муқаррар эди. У ҳам дарахтга болта урилганда унинг барглари учиб кетишини яхши билган. Террор фақат коммунистларгагина қарши қаратилмади. Улар билан бирга миллионлаб партиясиз хизматчи ва ишчилар, деҳқонлар, ҳунарманд-қосиблар, рухонийлар қамокқа олинган ва концлагерларга сургун қилинган. Улар текин ишчи кучлари сафини тўлдириб турган.

Қатагон қилиниб меҳнат тузатув лагерлари ва меҳнат тузатув колонналарида қамок жазосини ўтаётганлар жуда ҳам ёмон, ачинарли аҳволда ҳаёт кечиришган. Улар касалликдан, очликдан, ташналикдан, зулм ва қийноқлардан, изғирин совуқдан, тинкамадорни қуритадиган оғир меҳнатдан ногирон бўлиб қолган, ўлиб кетганлар кўп бўлган. ГУЛАГ лагерларидаги маҳбусларда ўлим юқори даражада бўлган.

Айниқса 1937-1938 йилларда ва уруш даврида маҳбуслар ўлими юқори бўлган. 1937 йили ГУЛАГ лагерларида 908264 маҳбус бўлиб, улардан 25375 киши (2,75 фоиз) вафот қилган. 1938 йилда эса 1156781 маҳбусдан 90546 киши (7,83 фоиз) вафот этган.<sup>1</sup> Улар орасида ўзбекистонликлар, ўзбеклар ҳам анча бўлган.

"Қатта террор" авжига минган 1937 йил 1 октябрдаги маълумотнинг 1-қисмига кўра, СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги лагерлари бўйича 20954 ўзбек маҳбуси бўлган. Уларнинг 2643 нафари Байкал-Амур лагерида, 1923 нафари Волга-Москва қурилиши (Дмитров лагери)да, 1673 нафари Оқ денгиз-Болтик лагерида, 687 нафари Коми АССРдаги Ухтим лагерида, 543 нафари Молдова АССРдаги Тем лагерида, 2247 нафари Владивосток лагерида, 643 нафари Новосибирск лагерида, 3029 нафари Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерида қамок жазосини тортиган, оғир меҳнат қилган эди.

Мазкур маълумотнинг 2-қисмида эса ўзбеклардан 854 кишининг Қарағанда, 12 кишининг Прорва, 23 кишининг Норильск, 1199 кишининг Вяземск, 69 кишининг Калуга, 250 кишининг Сталин темир йўл бекати, 96 кишининг Жануби-Шарқий Гавана, 47 кишининг Подольск аэродроми, 70 кишининг Самара, 655 кишининг Шимоли-Шарқий лагерларда, жами 3275 ўзбекнинг бўлганлиги қайд этилган.

---

<sup>1</sup> Р.Шамсутдинов. Қатагон қурбонлари. Иккинчи китоб - Т.: Шарқ, 2007. 25-бет.

1939 йил 1 январга оид маълумотга қараганда НКВД меҳнат тузатув лагерларида қамоқ жазосини ўтаётганлар орасида 23855 ўзбек бўлган. Бу маҳбуслар аксар ҳолларда жосулик, террорчилик, диверсия, ватанга хиёнат, троцкийчи-зиновьевчилик, ватан хоини оиласининг аъзоси бўлишда айбланганлар. Улар ОГПУ-НКВД органлари, жумладан, НКВД махсус кенгаши, НКВДнинг махсус "учлик" лари, Адлия халқ комиссарликлари томонидан ҳукм қилинган.

1942 йил 1 январда барча лагерларда азоб чекаётганлар орасида ўзбеклар 26907 кишини (2 фоиз) ташкил этган бўлсаларда, Ўрта Осиё бўйича сиёсий қатағонга учраганлар орасида улар биринчи ўринда турганлар ва сиёсий қатағон гирдобига бошқалардан кўра кўпроқ тортилганлар. Республикада сиёсий қатағон ён-атрофдаги қардошларга нисбатан анча оғир ва даҳшатли кечган. Меҳнат-тузатув колониялари ва лагерларида Ўзбекистон ССР бўйича 1959 йил 1 январда 14479, 1959 йил 1 сентябрда 17 294, 1960 йил 1 январда 10258 киши қамоқ азобини тортган.

Ушбу китобда Ўзбекистондаги "Учлик" нинг 1937 ва 1938 йиллардаги йиғилиш баённомалари бўйича отувга, 8-10 йил меҳнат тузатув лагерлари қамоғига ҳукм этилганлар номма-ном келтирилиб, улар ҳақида қисқача маълумотлар берилган<sup>1</sup>.

Айрим ҳолатларда қатағон қилинганларнинг маълум гуруҳларига бир хил айблар қўйилганига дуч келинади. Ўшандай бир хил айблар жойлардан келган ва Тошкентдаги "учлик" қа тақдим этилган айблов хулосаларида берилган. "Учлик" ҳукм чиқаришда ана шу айбларни қайд этиш билан кифояланиб қолган. Маҳбусларни тергов қилиб айблов хулосасини тасдиқлаган район, округ ички ишлар раҳбарлари, бундай тезкорлик шароитида "лимит" ни ортиғи билан бажаришни қойилмақом қилувчиларнинг шошиб иш кўрганликлари, уларнинг профессионал тажрибасизликлари каби бошқа сабаблар бўлганини ҳам эътироф этиш лозим. Ҳар ҳолда "учлик" баённомалари қандай бўлса, шундайлигича берилишига апмал қилинган. Кўплаб айблар терговчиларнинг ўзлари томонидан тўқилгани ҳам сир эмас.

"Учлик" баённомаларида наманганликлар каби бутун мамалкатимиздан қатағон қилинган айрим кишиларнинг исми ва шарифлари баённомаларда бир неча номда ёки бузиб кўрсатилган. Бу эса, ўша вақтларда инсон шаънига, унинг исмига, қадр-қимматига бўлган номутаносиб эътиборликдан далолат беради.

Умуман олганда ХХ собиқ Иттифоқ халқлари тарихида мудҳиш, ачинарли, зулм ва зўравонлика асосланган жамият ҳукм сургун десак, хато бўлмайди. Чунки, бу даврда, айниқса, катта қирғин даври бўлмиш 1937-1938 йиллардаги қатағонлар жой, макон, шахс, миллат, эътиқод, қард-қиммат, ёш, ижтимоий келиб чиқиш ва деярли инсонга хос бўлган ҳар қандай фазилат ва ҳислар билан ҳисоблашмаган. Тўғри, қатағон қилинганлар орасида ҳақиқий ўғрилар, ҳақиқий душманлар, ҳақиқий жиноятчилар бўлган, аммо "ўрмонга ўт кетганда хўлу-қурук баробар ёнади" деган мақол бу сиёсат учун айтилган эмас-ку.

Ана шу тарихни холислик билан, адолат билан ёритиш, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш юртимизда фаолият олиб бораётган теран тадқиқотчилар, йирик тарихчилар ҳамда биз каби ёш шогирдларнинг олдидаги турган масъулиятли вазифа бўлиб қолмоғи лозим.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўша манба, 10 -16- бетлар.

## II.2. Қатағонга тортилган наманганлик раҳбар ходимлар ва уларнинг тақдири

Дарҳақиқат, XX асрнинг 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин» сиёсати халқни – халқлигидан, миллатни-миллатлигидан, отани-боладан, болани-онадан ажратиб ташлади.

Николай Ежовнинг 1937 йил 1 июлдаги мудҳиш қарори минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди, бошпанасидан айирди, тинчини бузди, хўрлади, инсонни – инсон, миллатни-миллат бўлиб яшашига йўл бермади. Ваҳоланки, 1937-1938 йилларда нафақат маълум бир халқ ёки миллат, балким бир ватанда яшовчи барча миллат вакиллари ҳам четлаб ўтмади.

“Мерос” жамғармаси раҳбари профессор Р.Шамсутдинов раҳбарлигида қатор илмий асарлар, ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари яратилмоқда. Жумладан “Қатағон қурбонлари” Иккинчи китобда жами 161 нафар наманганлик юртдошларимизнинг қисмати ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган.

Илмий раҳбарим профессор Р.Т.Шамсутдинов 2011 йил сентябр-ноябрида Москвага қилган 2 марталик илмий экспедицияда бир қанча янги манбалар қўлга киритди. Улардан бири республика ва вилоятлар миқёсида турли соҳаларда фаолиятда бўлган раҳбар ходимларни қатағон қилиниши ҳақидаги янги материаллардир.

«Катта қирғин» миқдори ва қўлами билан халқлар тарихида содир бўлган энг даҳшатли воқеалардан бирига айланди. Президентимиз И.Каримовнинг 1999 йилдаги фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан бажарилаётган амалий ишлар натижаси ўлароқ қатағон қилинган наманганлик ҳамюртларимиз ҳақида ҳам бир қанча маълумотлар топишга, уларнинг номларини аниқлашга, абадиятга муҳрлашга имкон пайдо бўлди.

2005-2009 йилларда 5 жилдлик<sup>1</sup> “Қатағон қурбонлари” китоби яратилди. Бу 5 китобда 1937-1938 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги учлик, Украина, Шимолий Кавказ, Москва ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги учликлар ҳукми билан қатағон қилинган 14589 юртдошларимиз ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари ва унинг ҳузуридаги учлик раиси Д.З.Апресян 1938 йил 3 апрелда СССР ГУЛАГига йўллаган ҳисоботида биринчи категория бўйича 450 киши қатағон қилиб отилгани, шундан жосуслар 35 киши, қочиб ўтганлардан 8 киши, таракчийчилар 2 киши, деверсантлар 9 киши, террорчилар 26 киши, сотқинлар 6 киши, жиноий рецидивистлар 217 киши ва бошқалар 99 киши эканлиги, 58 та аксилинқилобий гуруҳлар тугатилгани, шундан троцкийчилар 7 та 1, қўзғолончилар 5 та 1, уюшган аксилинқилобий фаоллар 146 га 32, бандитлар 138 га 24 киши тўғри келгани қайд этилган. Бундан ташқари Ўрта Осиё лагерида қочиб кетган ва қўлга олинган 160 махбус отувга ҳукм этилгани таъкидланган<sup>2</sup>.

Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати Марказий архивида СССР Олий суди харбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрь- ноябрида Тошкентда ўтказилган йиғилишларида қабул қилинган ҳукмлар “махфийлик” тамғаси остида сақланиб келинмоқда. Бу ҳужжатларнинг бир қисмини топишга муяссар бўлди.

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р.Т, Каримов Н.Ф, Юсупов Э.Ю. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск-1. – Т.: Шарқ, 2005. – 262 с; Рустам Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август - 5 ноябр). 2-китоб. – Т.: Шарқ, 2007. – 496 б; Р.Т.Шамсутдинов, Э.Юсупов, А.Мамажонов, Э.Дўсматов. “Репрессия” 1937-1938 гг. Документы и материалы. В.3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. – Т.: Шарқ, 2007; . Репрессия: Документы и материалы. Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, М.Абдуллаев, Э.П.Дусматов, Х.Р.Курбанов. – Т.: Шарқ, 2008. Вып.4, Жертвы Большого террора из Узбекистана 1937 год, декабрь. - 572 с; Қатағон қурбонлари.(1938 йил февраль, сентябрь) Бешинчи китоб Тузувчилар: Р.Т.Шамсутдинов, Х.Р.Курбанов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекимбетов. “SNaq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент – 2009. 412 б.

<sup>2</sup> Ҳисобот нусхаси “Мемориал” (Москва) халқаро жамияти (Бошқарув раиси Арсений Борисович Рогинский) архивида сақланмоқда.

КПСС Марказий Комитети СССРдаги оммавий сиёсий қатағон сабабларини аниқлаш ҳайъати СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг мудҳиш, жирканч, қонунга ҳилоф бўлган суд қилиш механизмини очиб берган ва фош этган.

Жойлардаги ички ишлар халқ комиссарликлари СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси кўриб чиқадиган тергов ишларини тугатиб айблов ҳулосаларини тайёрлаганларида махбусларга бериладиган жазо чораларини аввалдан белгилаб қўйиш одатга кирган. Шу мақсадда жойлардаги ички ишлар ҳузуридаги учликлар Ҳарбий коллегияда кўриб чиқиладиган махбуслар рўйхатини тузганлар. Рўйхатларда судга берилаётган шахсларнинг исми ва фамилияси, қандай жазо чоралари кўрилиши тўғрисидаги таклифлари ҳам белгиланган. Рўйхатлар СССР Ички ишлар халқ комиссари Николай Ежов томонидан И.В.Сталинга тақдим қилинган. Рўйхатда қандай жазо кўриш белгиси ҳам қўйилган. 1937-1938 йилларда ана шундай рўйхатлардан 383 таси Сталинга тақдим қилинган. Уларда 44465 маъсул партия, совет, комсомол, ҳарбий ва хўжалик ходимлари исм ва фамилиялари келтирилган. Рўйхатлар Сиёсий бюро аъзолари- И.В. Сталин, В.М.Молотов, А.А.Жданов, Л.М. Каганович, К.Е.Ворошилов ва бошқалар томонидан имзоланиб, тасдиқланганидан сўнг НКВД ходимлари тергов ишларига жазо чораларини белгилаб қўйганлар. Агар, айбланувчи отиладиган бўлса, айблов ҳулосага “1” (биринчи категория), агар айбланувчи озодликдан махрум қилинадиган бўлса айблов ҳулосага “2” яъни, иккинчи категория деб белги қўйилган. Олий суд Ҳарбий коллегияси аъзолари кўриладиётган ишлар бўйича ҳукм чиқаришда ана шу белгиларга амал қилиш билан чекланганлар. Аслида Ҳарбий коллегия суд ишларини батафсил кўрмаган. Ҳарбий коллегия жазо чораларини белгилашда олдиндан, аввалги тахминий тергов материалларини механик тарзда штампалаб қўйиш билан кифояланган.

Ҳарбий коллегиянинг бутун судлов йиғилиши, ҳукм чиқариш ва уни эълон қилиш жараёни бор – йўғи 15-20 дақиқада амалга оширилган. Ҳатто, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси телеграф орқали ҳукм тайинлашгача бориб етган.

Сиёсий қатағон моҳияти, унинг кўлами, фожеасини англамоқ учун СССР ва Иттифоқчи республикалари Жиноят кодексининг 1-бобидаги (“Преступления государственные”) “давлат жиноятлари” деб номланган 58-моддасининг кунт билан ўрганиш, англаш керак. Шунда қатағон ҳақидаги афсонавий ёлғонлар ҳам, чин ҳақиқатлар ҳам юзага чиқади.

Ўша 58-модданинг 1-параграфи “Аксинкилобий жиноятлар” (Контреволюционные преступления) деб номланган.

Унинг 58-1-моддасида ишчи-деҳқон советлари сайлаган ҳукуматни ағдариш ва кўпоришга ёки заифлаштиришга қаратилган, Совет Иттифоқи Конституцияси ва иттифоқчи республикалар конституциялари асосида сайланган Совет Иттифоқи, иттифоқчи ва мухтор республикалар ҳукуматларини, СССРнинг ҳамда пролетар революциясининг хўжалик, сиёсий ва миллий соҳаларда эришган ютуқларини кўпориш ёки заифлаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар аксинкилобий ҳаракат ҳисобланади деб кўрсатилган.

“Аксинкилобий жиноят” тушинчасида пролетар инкилобининг асосий хўжалик, сиёсий ва миллий, яъни мавжуд тузум, шунингдек СССРдаги ҳукумат органлари ғалабаларига, ҳуллас мавжуд тузумга қарши жиноят “аксинкилобий” деб ҳисобланган. Унинг аналоғи ҳозирда Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 10- бўлимида “Давлат ҳокимиятига қарши жиноят” деб ҳисобланади ва ЖКнинг 29-бобида “Конституцион тузумга ва давлат хавфсизлигига қарши жиноятлар” тарзида киритилган.

Ватанга хоинлик қилиш, яъни СССР фуқаролари томонидан СССР Иттифоқи Ҳарбий қудратига ва унинг давлат мустақиллигига ёки даҳлсизлигига жосуслик, ҳарбий ёки давлат сирларини четга бериб юбориш, душман томонига ўтиб кетиш, чегарадан қочиб ўтишларга Жиноят Кодексининг **58-1<sup>a</sup>** моддасини кўллаш белгилаб қўйилган.

Бундайлага нисбатан жиноий жазонинг олий чораси – бутун мулки конфискация қилиниб, ўзини отувга, юмшоқроқ ҳолат юз берган ҳолда бутун мол-мулкни конфискация қилиниб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси бериш кўзда тутилган.

**58-1<sup>б</sup>** модда билан юқоридаги жиноятларни содир этган ҳарбий хизматчилар бутун мулки мусодара этилиб олий жазо – отувга ҳукм қилинган.

**58-1<sup>в</sup>** моддаси чегарадан қочиб ёки ошиб ўтган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг балоғатга етган оила аъзоларига нисбатан бутун мулки мусодара этилиб, 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган.

Жиноят содир этилган вақтда хоиннинг оиласидаги балоғат ёшидаги қолган аъзолари, улар билан бирга яшаётган ёки улар қармоғида турганларга сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва узоқ районларга 5 йил муддатга сургун этиш жазосини қўллаш белгилаб кўйилган.

**58-1<sup>г</sup>** моддасига кўра ҳарбий хизматчилар томонидан хоинликка тайёрланаётганлар ёки хоинлик қилганлар тўғрисида хабар бермаганликлари учун уларни 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Ҳарбий хизмати бўлмаган бошқа фуқаролар ана шундай хабар бермаганларга 58-12-моддаси қўлланилган. Бундайларга нисбатан олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш қўлланилган

**58-2-модда** бўйича аксилинқилобий мақсадда қуролли кўзғолон ёки ана шу мақсадда совет ҳудудига қуроллий жангариларнинг бостириб кириши, марказда ёки жойларда юқоридаги мақсадлар билан хусусан ёки зўравонлик билан Совет Иттифоқидан ва айрим иттифоқчи республикалардан улар ҳудудларининг қандайдир қисмини тортиб олиш ёки СССРнинг чет эл давлатлари билан тузилган шартномаларини бузганларга нисбатан ижтимоий ҳимоя тарзида отувга ёки меҳнаткашлар душмани деб эълон қилинишга, мулкни мусодара этиш, СССР фуқаролигидан маҳрум этиш ва СССР ҳудудидан чиқариб юбориш, енгиллаштирилган ҳолатда бутун мулкни мусодара этиб уч йилга озодликдан маҳрум қилиш чорасини кўриш белгиланган.

**58-3- моддада** аксилинқилобий мақсадда чет эл давлатлари ёки унинг айрим вакиллари билан алоқада бўлганлиги, Советлар Иттифоқи билан уруш ёки интервенция йўли билан, ёки қамал қилишга қаратилган хатти –ҳаракатлар, кўмак беришда айбланганлар ҳам 58/2 –модда бўйича жазога тортилиши кўрсатилган.

**58-4- моддада** капиталистик тузум ўрнига коммунистик тизимнинг майдонга келишини тан олмаган, уни ағдаришга интилган халқаро буржуазиянинг бир бўлагига қандай бўлмасин усул билан ёрдам бераётганлар ёки ана шу буржуазиянинг таъсири остида қолган, ёки Совет Иттифоқига қарши душманликни амалга ошираётган ижтимоий гуруҳлар ва ташкилотлардаги кишилар мулки мусодара этилиб, ўзларини отувга ҳукм этишгача чора кўриш, ундайларни халқ душмани деб эълон қилиш, СССР ва Иттифоқчи республикалар фуқаролигидан маҳрум қилиш, мулкни мусодара этиб Совет Иттифоқи ҳудудидан ҳайдаб юбориш кўзда тутилган.

**58-5- моддада** чет эл давлати ёки ундаги қандайдир ижтимоий гуруҳ вакиллари орқали алоқада бўлиб, сохта ҳужжатлардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб уруш эълон қилиш, Совет Иттифоқи ишларига қуролли аралашини ёки бошқа ножўя ҳаракатлар содир этиш, хусусан, блокада қилиш, Совет Иттифоқи ёки Иттифоқчи республикалар давлат мулкларини босиб олиш, дипломатик алоқаларни бузиш, Совет Иттифоқи билан тузилган шартномаларни йўқ қилиш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар учун ҳам жиноят кодексининг 58-2 моддасида кўрсатилган ижтимоий ҳимоя қилишнинг олий чораси – отув қўлланилиши белгилаб берилган.

**58-6- моддада** жосуслик, яъни маҳсус муҳофазада бўлган давлат сирларини чет эл давлатларига, аксилинқилобий ташкилотларга, ёки хусусий шахсларга бериб юбориш мақсадида ўғирлаш, ёки йиғиб юриш билан шуғулланганларга нисбатан 3 йилдан кам

бўлмаган қамоқ жазоси қўлланилиши кўрсатилган. Агарда жосуслик ССР Иттифоқида алоҳида оғир оқибатларга олиб келса, у ҳолда бундай шахсга нисбатан олий жазо- отув ёки меҳнаткашлар душмани деб эълон қилиб фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этиб, мулкани конфискация қилиб, ўзларини ССР Иттифоқи ҳудудидан хайдаб юбориш белгиланган.

**58-7- моддада** давлат саноати, транспорти, савдоси, пул муомилалари, кредит тизими, шунинг баробарида кооперацияни кўпориш мақсадида ва аксилинқилобий мақсад йўлида давлат муассасалари ва корхоналаридан фойдаланиш ёки улар фаолиятига қарама-қарши турганларга ҳам мазкур кодекснинг 58-2 моддасидаги жазо чоралари кўриш кўзда тутилган.

**58-8 моддада** совет ҳокимиятига, унинг инқилобий ишчилар ва дехқонлар ташкилотларига қарши қилинган террорчилик актлари ва ана шундай актларни бажаришда иштирок этганларга нисбатан ҳам жиноят кодекснинг 58-2 –моддасини қўллаш белгиланган.

**58-9- моддада** аксилинқилобий мақсадда темир йўллари ёки бошқа йўллар ҳамда хабар бериш воситалари, халқ алоқа воситалари, сув иншоатлари, жамоат оғборлари ёки иншоатлари, давлат ва жамоат мулкларини бузган ёки зарар келтирганларга нисбатан ҳам кодекснинг 58-2- моддаси қўлланилиши кўрсатилган.

**59-10-моддада** совет ҳокимиятини ағдаришга, кўпоришга ёки заифлаштиришга ёки айрим аксилинқилобий жиноятлар содир этишга даъват этувчи тарғибот ёки ташвиқот олиб борганларга, шунингдек, ана шундай мазмундаги адабиётларни яратган ва сақлаган, уларни тарқатганларга нисбатан 6 ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш кўрсатилган.

Шунингдек, оммавий ғалаёнлар ва ҳарбий ҳолат, ёки оммавий диний, миллий иллатлар, ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинган жойларда иштирок этганларга нисбатан жиноят кодекснинг 58-2- моддаси қўлланилган.

Машҳур советларга қарши тарғибот айби бўйича 6 ойдан кам бўлмаган қамоққа ҳукм этилиши белгиланган. Аммо, амалиётда бундай фаолият учун отув жазоси қўлланилган. Бундай ҳолатларни Ўзбекистон мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ҳақдаги маълумотлар 5 жилдлик Қатағон қурбонлари хотираси китобида келтирилган.

Яна шуни айтиш керакки, диний биддиятлардан фойдаланиб советларга қарши ташвиқот оли борганлар, қуролли кўзғолонда қатнашган даражасида ҳисобланиб бундайлар отувга ҳукм этилган. Бу борада ҳам Ўзбекистонда кўплаб мисоллар бўлганлиги аниқланди.

**58-13- моддада** Чоризм тузими даврида ишчилар синфига ва революцион ҳаракатга қарши фаол кураш олиб борган ва фаол ҳаракатда бўлган, маъсул ёки махфий (агентура) лавозимларида ишлаган ёки граждандар уруши даврида аксилинқилобий ҳукуматда бўлганлар ҳам жиноят кодекснинг 58-2- моддаси билан жазога тортилиши белгиланган.

Шуни ҳам айтиш керакки, 2- Жаҳон уруши йилларида фашистлар билан ҳамкор бўлганлар, ёки СС легионларида бўлганлар ҳам ана шу модда билан жазоланганлар.

**58-14- моддада** аксилинқилобий саботаж қилганлар, яъни онгли равишда маълум мажбуриятларни бажаришдан бош тортиб, махсус мақсадларда ҳукумат органларини ва давлат аппарати фаолиятини заифлаштиришга қаратилган хатти –ҳаракат қилганлар мол-мулки мусодара этилиб, камида 1 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган<sup>1</sup>.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси, Ички ишлар халқ комиссарлиги унинг жойлардаги бошқармаларида тузилган “учлик”лар, жойлардаги суд органлари сиёсий қатағон механизмини юритганда ана шу юқоридаги РСФСР ва Иттифоқчи республикалар

---

<sup>1</sup> Лысков Дмитрий. Запретная правда о «Сталинский репрессиях», «Дети Арбата» Лгут!. «ЯУЗА-ПРЕСС». Москва. 2012. стр. 16-26.

жиноят кодексларининг “Давлат жиноятчилари” бобидаги 58- моддаси асосида иш юритганлар, маҳбуслар устидан айблов ҳукмларини чиқарганлар.

1938 йил октябрида Тошкентда бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси йиғилишлари баённомалари, маҳбусларнинг жиной ишлари сақланаётганлиги, шунингдек, мазкур масалага оид айрим ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати архивида сақланаётгани ҳақида айрим маълумотлар бор. Бу ҳужжат ва материаллар синчковлик билан ўрганиш, мушоҳада қилиш, таҳлил этиш орқалигина 507 нафар юртдошларимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни англаб етиш, совет режимининг қатағон сиёсати моҳиятини, механизмини, унинг фожеали оқибтларини яна бир қарра хис этиш ва фож қилиш мумкин.

Бироқ, ҳарбий коллегия ҳукм этган бу 507 нафар қатағон қурбонларининг катта қисми Ўзбекистон Республикасининг партия, давлат, ҳукумат, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, хўжалик, маданият, маърифат, санъат каби соҳаларда раҳбар ходимлар бўлгани, яъни Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети номенклатурасидаги раҳбар ходимлар бўлгани учун уларнинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивида мавжудлигини эътиборга олиб илмий раҳбарим ушбу архивда изланиш олиб борди. Натижада уларнинг шахсий варақалари, таржимаи холлари, ҳаёт йўлини акс эттирувчи бошқа ҳужжатлар орқали бу инсонлар ҳақида қисқача маълумотлар келтиришни лозим деб билдик.

Ушбу магистрлик диссертация орқали ана шу ҳарбий коллегиянинг ҳар бир йиғилишида ҳукмга тортилган 507 нафар раҳбар ходимлар ичида ҳозирга қадар аниқланган 150 нафар раҳбар ходимлар орасида наманганлик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номенклатурасидаги раҳбар ходимлар ҳақида тартибли равишда маълумотлар келтиришга ҳаракат қилдим.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрдаги Тошкентдаги йиғилишида Саттаров Хошим Оғалиқович отувга ҳукм этилган, уни қисқача таржимаи холини айнан келтираимиз.

**Саттаров Хошим Оғалиқович**, 1904 йили Наманган шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, Москвадаги Тиббиёт институтини 1930 йили тугатиб Ички касалликлар бўйича шифокор мутахассислигига эга бўлган. 1920 йилдан 1928 йилгача комсомол аъзоси, партиёга 1929 йил 28 январида қабул қилинган, партиё билети номери 1360329.

1936 йил 27 июнида тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида унинг рус тилидаги таржимаи холи сақланиб қолган. Уни айнан келтираимиз:

“Мен 1904 йили ЎзССР Наманган шаҳридаги этикдўз оиласида туғилганман. Менинг отам ҳамма вақт боғдорчилик билан шуғулланган. 1914 йили иқтисодий шароит туфайли бизнинг оиламиз хусусий қанд корхонасидаги шахсда қора ишчи сифатида ишлашга мажбур бўлган. Бу ишда 1916 йилгача меҳнат қилинган. 1917 йилдан отам ва мен яна боғдорчилик билан шуғулланишни бошладик. 1929 йилдан отам ва онам ҳозирга қадар колхозда ишламоқда. 1917 йили “Намуна” халқ мактабига кирдим ва 1919 йилгача ўқидим.

1919 йили халқ маорифи бўлими мени Тошкентга Ўзбекистон педогогика институти ҳузуридаги курсга ўқишга юборди, бу ерда 1922 йилгача ўқидим.

1922 йили Туркистон Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети мени Москвага Калинин номли ишчи факультетига ўқишга юборди. 1925 йили ишчилар факультетини битирдим, ўша йилнинг ўзида ишчилар факультети томонидан 1- Москва давлат университети Тиббиёт факультетига ўқишга юборилдим. 1930 йили 1- Москва давлат университети Тиббиёт факультетини Москвада битирдим.

Тиббиёт институти битирганимдан сўнг Москвадаги СССР Тропик институти аспирантурасида қолдим. 1931 йил майида Ўз К(б)П Марказий Комитети қарори билан

Тошкентда ишлаш учун чакириб олиндим. ЎзК(б)П Марказий Комитети қарорига мувофиқ ЎзССР Соғлиқни Сақлаш Халқ Комиссарлигида кадрлар мудирини этиб тайинландим. Бу лавозимда 1931 йил 15 майдан 1922 йилгача ишладим, 1932 йилдан 1934 йилгача эса ЎзССР Соғлиқни Сақлаш Халқ Комиссари ўринбосари бўлиб хизмат қилдим. 1932 йил июнидан ҳозирга вақтга қадар Тошкент Тиббиёт институти директори бўлиб хизмат қиляпман.. Советлар V қурултойида ЎзССР Марказий Ижроия Комитети аъзоси бўлиб сайландим”.

1935 йили 20 декабрда ЎзССР Советлар Марказий Ижроия Комитети ва ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети Тошкентда Тиббиёт институтини ташкил этишдаги фаол иштироки учун қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаган. Партия тозоловидан ўтган.

Оиласида 7 киши, хотини, ўғли, хотинининг 2 синглиси, отаси, яшаш манзили Тошкент шаҳри, 1- май кўчаси, 74- уй<sup>1</sup>.

СССР Олий суди харбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрдаги Тошкентдаги йиғилишида Саттаров Хошим Оғалиқович отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша кун ижро этилган<sup>2</sup>. Партия XX съезидан кейин реабилитация қилинган, партия иши тикланган.

**Дадабоев Бўтабой Дадабоевич**, 1888 йили Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Унинг 1932 йил 4 апрелда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида 12 бетдан иборат таржимаи холида ҳаёт йўли, кўп қиррали фаолияти ўз аксини топган<sup>3</sup>. Аввало мусулмон мактабида, кейин рус-тузем мактабида таҳсил кўради. Отаси вафотидан сўнг 13 ёшли Бўтабой оиладаги 4 фарзанднинг каттаси сифатида оилани тебратишга ҳаракат қилади. Ниёзхўжа исмли пахта комисионерига хизматкор, тери, пахта тозалаш заводларида ишчи, наманганлик таниқли савдогар Альперов магазинида қоровул, кейинроқ Тошкентга иш қидириб келиб, шаҳар тиббий амбулаториясида қоровул ва хат ташувчи бўлиб ишлайди. Маошидан ҳар ойда 15 сўмни Чустга юбориб, оиласига кўмак бериб турган Бўтабой тақдирнинг яна бир зарбасига учрайди - онаси бевақт вафот этади. Фельдшер оиласида яшаб, русча савод чиқаришга улгурган Бўтабой ноиложлик орқасида қаровсиз қолган укалари, кўзи ожиз бувиси қошига, Чустга қайтиб боради.

1908 йили Чустда иши юришмаган Бўтабой Чодакка бориб, волость бошқарувчиси девонхонасига ишга қиради. Чор маъмурлари қарийб икки йиллик фаолиятида уни уч бор жазолайдилар. Уезд бошлиғи фармойишларини бажармагани, бошлиқлар олдида ўзини «корректно» тутмагани учун унга илк бор 5 сўм жарима солишади. Сўнгра аввал 7 кун, кейин 14 кун қамоқда ётади. Охир-оқибат ишсиз қолади.

1914 йил январидан то Февраль инқилобигача Бўтабой Чуст шаҳар хўжалик бошқармасига журналист, сўнгра даҳа пристави Б.Яхъин Марғилонга даҳа пристави қилиб ўтказилгач, унинг таклифи билан Скобелев шаҳрига бориб, пристав қошидаги хатлар бўлимида ишлайди.

Фарғонада 1916 йил воқеалари рўй берган кунларда Бўтабой чор миршабининг ғазабига учрайди. Вилоят амалдорларидан бири ўтиб кетаётганида таъзим келтирмаган Бўтабой унинг шу ҳақдаги танбеҳига кескин жавоб қайтаргани учун терговга тортилади.

<sup>1</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- ЎзР ПДА, 58 –фонд, 78- рўйхат, 147 –иш, 90-97 –варақлар

<sup>2</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-варақ

<sup>3</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат 219-иш, 97-112- варақлар.

Ўша йилнинг кузида Фарғонадаги Военное собрание биносида қўйилаётган спектаклга киришни истаган Б.Дадабоевга «сартлиги учун» билет сотишмайди. Бундан норози бўлган Б.Дадабоев «ноқонуний ҳаракат қилганлик»да айбланиб, ҳибсга олинади. Февраль инқилоби боисгина у қамоқ жазосидан қутулиб қолади.

Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, Бўтабойнинг саводли, серғайрат, ташкилотчи йигит эканлигини пайқаб, ундан фойдаланишга қарор қиладилар. У Фарғона вилояти Ер ишлари қўмитасига аъзо этиб сайланади. Аммо большевиклар Туркистоннинг миллий республика сифатида равнақ топишидан манфаатдор эмас эдилар. Шу боис Туркистон парчаланиб, кичик республика ва мухториятларга бўлиб юборилади. «Сувнинг қаёққа оқаётгани»ни сезган миллатпарвар зиёлилар большевиклар ҳукмронлик қилган замонда ватан ва миллатнинг озод бўлолмаслигини сезадилар. Шу сабабли улар турли ташкилотлар тузиб, Туркистонни совет давлатидан ажратиб олишга уринадилар.

Ана шундай ташкилотлардан бири «Иттиҳод ва тараққий» ташкилоти эди. Тергов ҳужжатларида қайд этилишича, бу ташкилотга Турор Рисқулов, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдулла Турсунхўжаев, Низомиддин Хўжаев, Юсуф Алиев, Али Расуловлар раҳбарлик қилишган. Унга Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитаси котиби Акмал Икромов, Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Файзулла Хўжаев, Ер ва сув ишлари халқ комиссари Рустам Исломов ва бошқа йирик раҳбарлар ҳам хайрихоҳлик кўрсатишган. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Иномжон Хидиралиев мазкур ташкилотга Бўтабой Дадабоевни ҳам жалб этган.

Ташкилотнинг асосий мақсади Туркистон ҳудудида миллий давлатни барпо этиш эди. Шу боис Б.Дадабоев, тергов материалларида қайд этилишича, «босмачилик ҳаракати»ни ҳар қандай йўл билан қўллаб-қувватлашга, ҳатто уларга қурол-яроғ етказиб беришга ҳаракат қилган.

«Иттиҳод ва тараққий» ташкилоти аъзолари миллий бирликка эришиш, маҳаллийчилик, тарқоқлик, парокандалик, гуруҳбозлик, табақабозликка қарши кураш олиб борганлар. Улар совет ҳукумати хоҳишига қарши равишда бой хўжаликларнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, қишлоқнинг синфий табақалашувиغا қаршилик кўрсатишга уринганлар. 1923-1924 йилларда давлатдан уруғлик ва ишчи ҳайвон учун кредит олингач, уни асосан деҳқончиликка қодир бўлган бойларга ва ўзига тўқ кишиларга тақсимлаб беришган.

Яна тергов материалларида айтилишича, Б.Дадабоев Тожикистонда ишлаган кезларида у ердаги «Иттиҳоди Шарк» ташкилоти билан ҳамкорлик қилган. Бу ташкилот аъзолари орасида Тожикистон ССР МИҚ собиқ раҳбари Нусратулло Махсум, Тожикистон Халқ Комиссарлари Кенгаши собиқ раиси Ҳожибоев, ижтимоий таъминот халқ комиссари Муҳитдинов, Тожикистоннинг Москвадаги мухтор вакили Абдужабборов ва бошқалар бўлишган.

Қизил қўшин «босмачилик ҳаракати»ни тугатишга киришган кезларда И.Хидиралиевнинг «ихтиёрий равишда таслим бўлиш таклифи»нинг «босмачилар» томонидан қабул қилиниши ва уларнинг таслим бўла бошлаши «иттиҳодчилар»нинг обрў-эътиборини кўтариб юборади. Шу даврдаги хизматлари учун Б.Дадабоев Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади. «Босмачилик ҳаракати» тугатилгач, ташкилот, тергов ҳужжатларида қайд этилишича, ўз фаолиятини миллатга содиқ кадрларни кўпайтириш, уларни партия ва совет аппаратиغا жойлаштириш орқали миллий анъаналар, кадриятларнинг оёқости бўлишининг олдини олишга, истиқлол имкониятини яратишга сафарбар этади.

Тарихда ўз маслаги, эл-юрт манфаати, ватан ва миллатнинг эрки-озодлиги йўлида жонини қурбон қилган қахрамонлар ҳам, амал, шахсий манфаат ва нафс деб хиёнат йўлига кирганлар ҳам оз бўлмаган. Тарихий ҳужжатларни кўздан кечирар экансиз, баъзан бир-

бирига қарши маълумот берган кишилар кўз олдингизда намоён бўладиларки, уларнинг қайси бири кўрқоқ ва сотқину, қайси бири айбсиз эканини тезда англаб ололмайсиз.

Наманганлик Бўтабой Дадабоев фаолияти шу маънода ғоят мураккаб бўлиб, у ҳақда зудлик билан ҳукм-хулоса чиқариш осон иш эмас. Келинг, хулосага шошилмай, унинг фаолиятига биргаликда назар ташлайлик.

1923 йилда Туркистон республикаси адлия халқ комиссари, республика прокурори, кейинчалик Тожикистон Компартияси ташкилий бюроси аъзоси, Тожикистон Инқилобий Қўмитаси раисининг ўринбосари, СССР Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси, 20-30-йилларда Тожикистон ва Туркменистонда катта раҳбарлик лавозимларида ишлаган Б.Дадабоев НКВД Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 5 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган сайёр ёпиқ суд мажлиси томонидан олий жазога ҳукм этилади ва ҳукм... 4 октябрда отиб ташланади. Агар эътибор берган бўлсангиз, у суд мажлисидан бир кун аввал шошилиш равишида отиб ташланган.

Хўш, Б.Дадабоев ким? Нега у совет тузумига хиёнат қилган киши сифатида қатл этилган? Унинг айби нимада?..

Тарихий ҳужжатлар қуйидагилар ҳақида сўзлайди: 1937 йилнинг фожеали воқеалари бошланиши билан миллий республикаларнинг бошқа раҳбарлари қатори Б.Дадабоевнинг ҳам яқин ўтмишда аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлганлиги «ошкор» бўлиб қолади. Партия сафидан ўчирилган Бўтабой Дадабоев то қамоққа олинганига қадар сарсон-саргардонликни бошидан кечиради. Ниҳоят, 1937 йилнинг 31 августида у Ашхобод шаҳрида қўлга олинди. 15 кун давомида қийноқ усталари унинг иродасини синдириш учун турли азобларни унинг бошига соладилар.

Б.Дадабоевнинг «дело»сини кўздан кечирган киши тергов ҳужжатларини ва 2-ранг хавфсизлик комиссари Л.Бельскийга ёзган хатини ўқиб, ундаги иқдорларни кўриб, унинг ўз сафдошлари номини ошкор қилганига эътибор қаратади. Наҳотки, ўз республикасининг мустақил бўлишини орзу қилган, унинг раҳбарларидан бири бўлган киши хиёнат кўчасига кирган бўлса, деган хаёлга ҳам келади.

Бироқ қатағон тегирмонининг ишлаш усулидан, совет «гестапочи»ларининг ёвузлиги ва шафқатсизлигидан хабардор бўлган тарихчилар 1937-1938 йилларга оид сўроқнома ва иқдорномаларга ҳар доим ҳам ишонавермайдилар. Улар бу сўроқнома ва иқдорномаларга қандай йўл билан қўл қўйдириб олинганини яхши биладилар. Зеро, жазо ташкилотлари ўз мақсадларига эришиш, ваҳшийликларини яшириш, қабих ишларини ниқоблаш мақсадида ўзлари тўқиб чиқарган уйдирмаларга сурункалаб ухламаган, чалажон ва қарийб беҳуш маҳбусларга имзо чектириб олибгина қолмай, уларни сафдошлари олдида бадном этганлар ва авлодлар олдида ҳам бадном этиш йўллариини ўйлаб топганлар.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Бўтабой Дадабоевни отувга ҳукм қилинади, ҳукм ўша кун ижро этилади<sup>1</sup>.

**Икромов Исак**, 1906 йили Наманган шаҳрида ишчи оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти қуйи, 1930 йил 26 августда Шаҳрихон район партия комитети партияга қабул қилган, 1931 йили Тошкентда ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ҳузуридаги 6 ойлик партия ходимларини тайёрлаш курсини битирган.

Мустақил меҳнат фаолияти 1918 йилдан бошланган, Кўкон шаҳридаги кулок хўжаликларидан бирида батрак бўлиб ишлаган. 1922 йили депога шогирд бўлиб тушади, 1923 йили Наманган шаҳрига келиб ёғ заводида қора ишчи бўлиб ишлайди, 1924 йили 30-сон пахта заводида шогирд бўлиб, кейин эса ёқ қуовчи бўлиб ишлаган, заводда 1930

<sup>1</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 536-варак

йилгача меҳнат қилган. 1930 йили Андижон округ комсомол комитети уни Сталин (Шахрихон) райониға комсомол секретари қилиб юборади, округлар тугатилгач у Андижон шаҳар комсомол комитетининг секретари қилиб юборилади, 1932 йили унинг шахсий илтимосига кўра комсомол ишига ўтказилади, Марказий Комитет қарори билан Хоразм округи ташкилий бюросига ахзо қилиб киритилди, конфрессияда Хоразм округ комсомол комитетининг секретари этиб сайланди. 1933 йили Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қарори билан чақириб олиниб, Марказий Комитет ташкилий бўлим мудирини ва секретар ўринбосарини қилиб тасдиқланди.

1934 йил ноябрида ЛКСМ Марказий Комитети бюроси қарори билан Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари қилиб тайинланди. 1937 йил июлида эса Тошкент шаҳри Сталин райони комсомол комитетининг секретари этиб тайинланди.

Таржимаи холида инқилобгача ва инқилобдан кейин судланган эмасман ва терговда бўлмаганман, оқларнинг қўшинларида ва муассасаларида бўлган эмасман, деб ёзган. Шахсий варақада ўзбек ва рус тилларини яхши билгани, яккабошлиги, яшаш жойи-Тошкент шаҳри, Учительская кўчаси, 3- уй, 1 –квартира, деб кўрсатилган<sup>1</sup>.

СССР Олий суди харбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Икромов Исак отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган<sup>2</sup>.

Ҳозирда реабилитация қилинган, партияга тикланган.



**Юсупов Абдувоси**, 1900 йили Наманган шаҳрида Шойи тўқувчи хунарманд оилада туғилган, ўзбек, турли совет партия муассасаларида хизматчи ходим, 1918 йилдан 1926 йилгача комсомол аъзоси, 1929 йилдан партия аъзоси, партия билети номери 1369639, 1922 йилдан қасаба союз аъзоси, маълумоти қуйи, 1918 -1920 йилларда Наманган шаҳридаги 4 – сон Совет рус мактабида 2 йил ўқиган, 1924-1925 йилларда Тошкентдаги саводсизликни тугатиш курсини битирган.

1936 йил 5 июнда тўлғизилган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақасида Абдувоси Юсупов ишлаган муассасалар қайд этилган. 1918-1920 йилларда Наманган уезд-шаҳар милицияси бошлиғида иш юритувчи, 1920-1922 йиллари уезд-шаҳар милицияси ташкилий ахборот бўлими мудирини, 1923-1924 йилларда Наманганда саводсизликни тугатиш фавқулодда комиссиясининг мудирини, 1925-1927 йилларда Наманган шаҳридаги 3- сон Ёғ заводи директори ёрдамчисини, 1927-1928 йиллари сиёсий маориф мудирини, 1928-1930 йиллари район пахта союзи идораси раисининг ўринбосарини, 1930-1933 йиллари Наманган шаҳар партия комитетида инструктор ва ташкилий бўлим мудирини ўринбосарини, 1934 йиллари Ойим райони партия комитети ташкилий бўлим мудирини, 1934-1935 йиллари Балиқчи район партия комитети секретарини ўринбосарини, 1935 йили Янгиқўрғондаги МТС директори ўринбосарини, 1935 йил 15 мартдан Наманган шаҳар ер бўлими мудирини, 1936 йил 19 июндан Наманган шаҳар прокурорини вазифасида ишлаган. 1931-1936 йиллари Наманган, Ойим, Балиқчи районлари партия комитетлари ва ижроия комитетларига аъзо бўлиб сайланган. Рус ва ўзбек тилларини билган.

Абдувоси Юсупов Ойим район партия комитетида ишлаган вақтида район раҳбарларидан Солихов деган маъсул раҳбар билан келиша олмайди, аҳвол шу даражага

<sup>1</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат 295-иш, 86-89- варақлар.

<sup>2</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 537-варақ

бориб етадики, бу масалага Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ижроия бюросини ҳам аралашшига тўғри келади. Буни Абдувоси Юсуповнинг 1934 йил 8 декабрида Марказий Комитет ижроия бюросига ариза билан мурожаат қилганидан ҳам билса бўлади. Аризада шундай дейилган: “ЎзК(б)П Марказий Комитети ижроия бюросининг шу йилнинг 4-декабридаги қарори билан мен район партия комитети ташкилий бўлим мудирини лавозимидаги иш фаолиятим қониқарсиз топилиб, Марказий Комитет ихтиёрига чақириб олингандим. Бу қарорга кўра мендан бошқа тармоқлар бўйича фойдаланиш лозим эди. Аммо, 4- декабрда Марказий Комитетга келганимда партия ходимлари сектори менинг розилигимсиз яна ана шу лавозимда ишлаш учун Вобкент партия ташкилотида ишлаш учун йўлланма берди. Бу эса менга нисбатан оғир ва ноқулай ҳолатдек туюлди. Чунки, майда ташкилот хисобланган Ойимдан чақириб олиб, Вобкентдек анча йирик ташкилотга юборилишим мени таажублантирди.

Бундан ташқари Ойим район ижроия комитетининг собиқ раис ўринбосари Солихов мен билан районда доимий равишда олишиб ва район партия комитети пленумида обрўсизлантирган ходимни район ижроия комитети раиси ўринбосари қилиб Вобкентга юборилиши мени таажубга солди.

Ўзимнинг ҳозирги вақтдаги назарий партиявий билимим ва етарли тайёргарлигим йўқлигидан мен бу ишни уйдасидан чиқа олмайман.

Марказий Комитетнинг қайд қилиб ўтилган қарорига асосланиб, мен ҳақимдаги кейинги қарорни қайта кўриб чиқишингизни ва менга қандайдир хўжалик соҳасида иш беришингизни ишонч билан илтимос қиламан. Агарда бундан кейин мени яна партия ишида қолриш мумкин деб хисобланса, у ҳолда менга қандай бўлмасин кичик лавозим берилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, мен Солихов билан ҳеч қанақасига ишлай олмайман, қандайдир тушунмовчиликлар чиқиши муқаррар. Ушбу ҳолатдан чиқиш учун менинг илтимосимни қондиришингизни ўтиниб сўрайман”.

1934 йил 18 декабрда А.Юсупов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий бўлим мудирини Головановга мана бу хатни йўллаган: “Касаллигим туфайли мен Тошкентдан кетишга мажбур бўлдим, ҳозирги вақтда мен Наманганда турибман ва оиламни кетишига ҳозирлик кўрмоқдаман. Ижроия бюро номига берган аризамни натижасини ушбу хатни олиб борган киши орқали менга хабар беришингизни илтимос қиламан. Дўстона салом билан Юсупов”

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Абдувоси Юсупов отувга ҳукм қилинди, ҳукм ўша куни ижро этилди<sup>1</sup>.

Ушбу ҳужжатлардан маълумки, Абдувоси Юсупов ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан, виждон амрига қарши бормайдиган, ҳалол, пок, маҳаллий раҳбарлардан бири эканига ҳеч шубҳа йўқ. Юқори партия органлари буни эътиборга олиб, уни партия ишига эмас, прокуратура тизимида ишлашга изн беришган. У Наманган шаҳар прокурори бўлиб ишга тайинланган. Аммо, кўп ўтмай у ҳам бошқалар қатори қатағон домига тортилган. Унинг авлодлари ҳозирда Андижон шаҳрида истиқомат қилишмоқда. Якка –ягона ўғли Рустамхожи Зулунов ота (у бир яшарлигида отадан етим қолган, яқин қариндошлари бу болани ўз фамилиясига ўтказиб, унинг бундан кейинги тақдирини хавфсизлантиришмоқчи бўлишган. Чунки, ўша даврда қатағон қилинганнинг фарзандлари ҳам ҳаётда кўпдан-кўп азоб-укубатларга дуч келардилар). Ҳозирда Андижон шаҳри Янги Хорзам кўчасида истиқомат қилаётган Рустамжон хожи отани уйларига ташриф буюрганимизда Рустамжонхожи ота бизларни яхши кутиб олдилар. У киши оталари Абдувоси Юсупов ҳақида билган, эшитган маълумотларни айтиб берди. “...Отам Абдувоси Юсупов, онам Юсупова Ёқутхон эдилар. Отам қатағонга учраган вақтда мен 1 яшар бола эдим. Оилада бир ўғил, бир қиз бўлганмиз. Отам ҳам диний ҳам дунё илмларни эгаллаган эдилар.

<sup>1</sup> РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 543-варак

Қаттол совет тузуми сиёсати у кишини домига тортди, бизлардан айриди. Отам вафотидан сўнг мени бувим тарбиясига олган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мени амаким (Зулунов Аҳмаджон 1913 йилда туғилган, вилоят Бошқармасида бухгалтер бўлиб ишлаган) ўз тарбиясига олган. Андижонда мен аввалига шаҳардаги 29 мактабда, сўнгра 7 мактабда бошлангич таълимни олганман. Опам ҳам мен билан Андижонга келган у киши 1928 йилда туғилган, 1997 йилда вафот этган. Жойлари жаннатда бўлсин. Отамни оқланганлигини аниқлашда жудда катта меҳнати бор. Опам Тошкентдаги юридик институтни ўқиган эди”. Ҳозирда Рустамжон хожи ота 5 нафар фарзандни вояга етказиб, тарбиялаб элга, юртга нафи тегадиган инсонлар қилиб тарбиялаб, нурунийлик гаштини суриб фарзандлари, набиралари, чеваралари ардоғида, истиклол берган неъматлардан баҳра олиб фаровон ҳаёт кечирмоқда.

**Зарифов Карим**, 1897 йил 15 июнда Наманган шаҳрида дехқон, боғдор оилада туғилган, ўзбек, октябрь инқилобидан сўнг Наманган уезд- шаҳар боғдори бўлиб хизмат қилган, 1924 йил 21 августда Қўқон партия ташкилотидан партияга қабул қилинган.

Карим Зарифов 1937 йил 11 майда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасига илова қилиб Юқори Дарғон район Ижроия Комитети раиси ўринбосари бўлиб ишлаб турган, яъни 1930 йил Самарқанд шаҳрида ёзган таржимаи холини тақдим қилган. Ундан парча келтираман: “... Отам билан 1915 йилгача бирга яшадим ва отамга ёрдам бериб турдим, маълумотим –рус-тузем мактабини 3- синфини битирганман, кейин ўқишни давом эттириш имкони бўлмади, ота-онамнинг маблағи йўқ эди. Шу боис 1915 йилдан сўнг боғдорчилик бўйича ишладим, бир йил ўтгач Наманган шаҳри боғбони ёрдамчиси қилиб тайинландим, 1920 йилдан шаҳар боғбони бўлиб тайинландим, 1922 йилгача Қўқон шаҳрида ишладим, шу вақтда партияга кирдим, шундан сўнг Қўқон шаҳар милицияси бошлиғи бўлиб хизмат қилдим, 6 ойдан сўнг мени уезд “Қўшчи” союзи ташкилий бўлим мудирини қилиб тайинладилар, кейин эса уезд-шаҳар партия комитетидан партия ташкилотчиси бўлиб 1923 йилгача ишладим.

1924 йили мен область партия комитети томонидан область жиноий – қидирувнинг фаол қисми бошлиғи қилиб тайинландим, бир йил ишлаганимдан сўнг ўша ташкилотнинг махфий –аператив қисмига бошлиқ қилиб тайинландим.

1925 йили область партия комитети қарори бўйича область жиноий- қидирув бўлими бошлиғи қилиб тайинландим, бу лавозимда 1926-1927 йилгача ишладим, реорганизация ўтказилиши муносабати билан Андижон округи жиноий- қидирув бошлиғи бўлдим. Бу ишда 1928 йилгача фаолият кўрсатдим. Шундан сўнг 1929 йил бошларида Қўқон округ партия комитети ва ЎзССР НКВД розилиғи билан яна Қўқон округи маъмурий бўлими милиция ва қидирув бошлиғи этиб тайинландим, бу ишда 1929 йил охиригача бўлдим. 1929 йил декабрда Самарқанд шаҳрига келишим билан округ партия комитети секретари томонидан 1-сон завод бошқармасига бошлиқ бўлдим, 6 ой ишладим, Самарқанд округ партия комитети қарорига биноан мени Икромов район ер бўлимига мудир этиб, шундан сўнг Самарқанд округ партия комитети ва округ ижроия комитети Икромов райони Районижроқўм раиси ўринбосари қилиб тайинландим, шундан сўнг яна ўша кўрсатилган ташкилотлар қарори билан юқори Дарғом райони ижроия комитети раиси ўринбосари қилиб тайинландим, шу лавозимда ҳозирги вақтгача ишлаб келмоқдаман”.

Карим Зарифов 1931-1935 йилларда янги Урганч шаҳрида Хоразм округи милиция бошлиғи, 1935-1937 йилларда Бухоро шаҳрида округ милиция сектор бошлиғи бўлиб хизмат қилади.

Шахсий варақада 1924,1925,1926,1934 йиллари жиноятчиларга қарши фаол кураш олиб боргани учун Фахрий ёрликлар, қуроллар билан тақдирлангани, оиласида фақат аҳли

аёли борлиги, яшаш манзили – Бухоро шаҳри, Гузор Озод кўчаси, 385- уй экани қайд этилган<sup>1</sup>.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги йиғилишида Зарифов Карим отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган<sup>2</sup>. Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 10 октябрдаги сайёр йиғилишида Абдурахимов Муҳаммад, Эгамбердиев Дадахонлар ҳам олий жазога ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган. Бу шахсларнинг қисқача ҳаёт йўли ҳақида қуйидагиларни билишимиз мумкин.

**Абдурахимов - Абурахим, Хўжаев Муҳаммад**, 1901 йили Наманган шаҳрининг Боқимирза даҳасида, савдогар оиласида туғилган, ижтимоий келиб чиқиши - ишчи, касби тўқувчи, маълумоти ўрта, 1925 йил 3 январидан партия аъзоси, 1923 йил октябрдан 1924 йил ноябригача 2- Туркистон окчи дивизияси ҳузуридаги кичик командирлар тайёрлаш бўйича ҳарбий мактабни миллий бўлимини битирган, кичик командир мутахассислигига эга бўлган. 1925 йил майдан 1927 йил сентябргача Фрунзе номидаги ҳарбий сиёсий мактабда ўқиб, сиёсий ходим мутахассислигига эга бўлади. 1930 йил майдан 1933 йил мартгача Толмачов номидаги ҳарбий – сиёсий академиянинг асосий факультетини битирган, ишчи –деҳқон қизил армияси сиёсий ходими мутахассислигига эга бўлган, ботолион комиссари унвонига эга бўлган.

Унинг кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида меҳнат фаолияти ва ҳарбий хизмати ҳақида маълумотлар келтирилган. 1917 йил майдан 1918 йил июлигача Наманган шаҳри Боқимирза даҳасидаги этикдўз уста Мадалихонда шогирд бўлиб меҳнат қилади. 1918 йил июлидан 1919 йил ноябригача Абдуқодир устанинг тўқимачилик устахонасида шогирд бўлиб ишлайди. 1919 йил ноябри- 1920 йил майда Қозоғистон АССР Мерки шаҳрида Убайдуллабой кўлида отбоқар бўлиб хизмат қилади. 1920-1923 йилларда Наманган шаҳри Боқимирза даҳасидаги тўқувчи Абдуқодир ва Жўрабойларда ёлланиб ишлайди. 1923 йил март - 1923 йил октябрда Наманган шаҳрида милицияда, Поп- Чуст район милициясида ишлайди, Фарғона, Бухоро, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ҳарбий хизматда, ҳарбий комиссар лавозимларида фаолият кўрсатади. 1935 йили у Самарқанд шаҳар советига, Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитетига аъзо бўлиб сайланади, ўша шахсий варақада Муҳаммад Абдурахимов тожик, туркман, қозок, қирғиз, рус, татар тилларини билгани қайд этилган.

Қизил аскар, кичик командир, сиёсий раҳбар, ҳарбий комиссар, баталион комиссари ҳарбий лавозимларида, Қорақум саҳроларида, Туркманистонда Жунайтхонга қарши, Самарқанд районида Хўжамкул тўдаларига қарши 1927-1928 йиллардаги олиб борган кураши ҳам шахсий варақада қайд этилган. СССР Марказий Ижроия комитети 1926 йил 27 апрелда жанговор хизматлари ва яхши намунали жанговор ва сиёсий тайёргарлиги учун “Қизил юлдуз” ордени билан мукофатланган.

Оиласи ва 1 қизи бўлган. Самарқанд шаҳрининг Советская кўчаси, 22- уйда яшаган. Мазкур шахсий варақа Абдурахимов томонидан 1937 йил 13 майда тўлдирилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- ЎзР ПДА, 58 –фонд, 65- рўйхат, 272 –иш, 182-184 –варақлар

<sup>2</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541 -варок.

<sup>1</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- ЎзР ПДА, 58 –фонд, 65- рўйхат, 16 –иш, 28-29 –варақлар

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 10 октябрдаги сайёр йиғилишида Абдурахимов Муҳаммад олий жазога ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган<sup>2</sup>. Партия XX –съездидан сўнг у реабилитация қилинган.

**Эгамбердиев Дадахон**, 1901 йили Наманганнинг Қизилчори қишлоғида хунарманд-этикдўз оиласида туғилган, ўзбек, 1926 йил февралдан партия аъзоси, партия билети номери 1368992, 1919 йилдан савхоз ва МТС касаба союзи аъзоси, малумоти қуйи, ўз устида ишлаб саводини чиқарган, 1911-113 йиллари Наманган шаҳридаги 1- босқичли мактабда ўқиган.

1937 йил 10 майда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш шахсий варқасида меҳнат фаолияти акс этган. 1913-1916 йиллари Наманган шаҳрида ўз хўжалигида тўқувчилик қилган, 1916 йили мардикорликка олинган, Украинанинг Хернов шаҳридаги электр заводида ишчи, 1918-1920 йилларда Наманган шаҳрида ишчи, тўқувчи, 1920-1922 йилларда озиқ –овқат отрядида ратада старшина, 1922-1923 йилларда Наманган шаҳар милициясида сиёсий раҳбар, 1923-1925 йилларда комсомол секретари ўринбосари, 1925-1927 йилларда Наманган шаҳар “Қўшчи” союзи раиси, 1927-1928 йилларда Янгиқўрғон район ижроия комитети раиси, 1928-1930 йилларда Андижонда округ “Қўшчи” союзи раиси, 1930-1937 йилларда Поп районидаги Бауман номли пахтачилик совхози директори бўлиб хизмат қилган.

ЎзССР Марказий ижроия Комитети 1932 йили пахта хосилдорлигини кўтаргани учун Фахрий ёрлик билан мукофатлаган, оилалик, 4 фарзанди бўлган, яшаш манзили- Бауман номли пахтачилик совхози бўлган. 1930 йилдан 1937 йилгача Поп район партия комитети пленуми аъзоси бўлган<sup>1</sup>.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 10 октябрдаги Тошкентдаги йиғилиши Эгамбердиев Дадахонни отувга ҳукм этган, ҳукм ўша куни ижро қилинган<sup>2</sup>.

**Нуриддинов Эргаш**, 1906 йили Наманган шаҳрида ишчи оиласида туғилган, ўзбек, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1930 йили Наманган шаҳар партия комитетида партия сафига қабул қилинган, партия билети номери- 1369574, ҳеч қандай оппозицияда иштирок этмаган, 1927 йилдан ёғ-мой ишчилари касаба уюшмасининг аъзоси бўлган, маълумоти ўрта, 1920-1923 йиллари Наманган шаҳридаги 4 йиллик бошланғич мактабни битирган, Наманган шаҳар коммунистик билим юртида 2 йил ўқиган, 1936 йили 1 декабридан 1937 йил 28 февралгача партия комитети секретарларини қайта тайёрлаш курсида ўқиган. 1937 йил 13 февралда тўлғизган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида унинг меҳнат фаолияти акс этирилган. 1923 йилдан 1925 йилгача Наманган коммунал колхозда, 1925-1926 йиллари Наманган шаҳридаги 3- ёғ заводида юк ташувчи, 1926-1933 йиллари Наманган шаҳридаги 32–сонли пахта заводда присловчи, 1933йилдан 1935 йилгача 32 –пахта завод партия ташкилотининг секретари, 1935-1937 йилгача 3- ёғ заводи директори бўлиш ишлаган.

1929-1934 йиллардаги партия тозаловидан ҳеч қандай эътирозларсиз ўтган. Шахсий варақада 1934 йили Наманган шаҳар партия комитети бюро аъзоси, 1935 йили 2 ойлик

---

<sup>2</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 537-варақ

<sup>1</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- ЎзР ПДА, 58 –фонд, 65- рўйхат, 292 –иш, 130-133 –варақлар

<sup>2</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 549-варақ

кайта тайёрлов ўқишида бўлгани, аҳли аёли, отаси, онаси ҳамда 2 ёшлик ўғли борлиги, яшаш манзили Наманган шаҳри, Лаббатагин даҳаси, 3- уй деб кўрсатилган<sup>1</sup>.

СССР Олий суди харбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Нуриддинов Эргаш отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган<sup>2</sup>. Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

**Иномов Солижон**, 1903 йили Наманган шаҳрининг Тўқмоқгузар маҳалласида хунарманд оиласида туғилган, отаси 1917 йилгача этикдўзлик билан, инқилобдан кейин пахта заводида қора ишчи бўлиб ишлаган, маълумоти ўрта, Наманган шаҳридаги саводсизликни тугатиш курсида ўқиган, Қўқон шаҳрида ҳам ўқиган.

У 1937 йил 27 февралда Тошкент шаҳрида ёзган таржимаи холида шундай дейилган: “Мен 1915 йилгача отам қарамоғида бўлдим. Менинг отам ҳозирда ишламайди, кекса, ёши 60 да.

1915 йилдан 1923 йилгача мен Наманган шаҳридаги бир бойда батрак бўлдим. 1923 йилдан 1925 йилгача Наманган шаҳридаги турли хунармандларда тўқимачилик бўйича шогирд бўлиб ишладим. 1925 йили ВКП(б)га номзод бўлиб қабул қилиндим, ишчи сифатида 6 ойлик иш стажига эгаман. 1925 йилдан 1928 йилгача Наманган шаҳридаги кўнчилар уюшмаси котиби ва раис ўринбосари бўлиб ишладим. 1928 йилдан 1930 йилгача Москва области Зарайск районидаги ип текстил фабрикасида ишладим ва ФЗУ мактабида ўқидим, 1930 йилдан 1931 йилгача Наманган шаҳрида котиб бўлиб ишладим, 1931 йилдан 1932 йилгача УзК(б)П Марказий Комитетининг Зеленский районидаги ташвиқотчиси бўлиб ишладим. 1932 йилдан 1933 йилгача Зеленский райони партия комитетида инструктор бўлиб ишладим. 1933 йил 1 декабридан 1934 йил 1 декабригача Марҳамат район партия комитетининг секретари бўлиб, 1935 йил бошларидан 1936 йил 1 июлигача Ленин райони партия комитетида инструктор бўлиб ишладим. 1936 йил 1 декабридан 1937 йил 1 мартгача Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хузуридаги марксизм- ленинзм курсларида ўқидим”.

Шахсий варақада ўзбек ва рус тилини билишини, партия тозаловларидан танбехсиз ўтгани, яшаш манзили- Ленин (Асака) райони, оилалиги, ота-онаси, 2 гўдак боллари борлиги қайд қилинган<sup>1</sup>.

СССР Олий суди харбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Иномов Солижон отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган<sup>2</sup>. Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.

**Қобулов Орифжон**, 1905 йили Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, ўзбек, отаси 1917 йилгача ва 1917 йилдан кейин ҳам сув хўжалиги тизимида хизмат қилган, 1920 йилгача отаси қарамоғида бўлган, 1920 йилдан 1924 йилгача ўзининг тўқувчилик устахонасида тўқувчи бўлиб меҳнат қилган. 1924 йилдан 1925 йилгача Наманган молия бўлимида молия агенти бўлиб ишлаган, 1925 йилдан 1926 йил майгача Тошкент шаҳрида Молиявий курсларда ўқиган, 1926 йил августидан 1928 йил июлигача Андижон округ молия бўлимида контролер ёрдамчиси, 1928 йил июлидан 1929 йил сентябригача Андижон шаҳар молия бўлимида инструктор бўлиб ишлади, 1929 йил сентябридан 1930 йил августигача Марғилон шаҳар молия бўлимида инструктор, 1930 йил сентябридан 1932 йил августигача Қува район молия бўлимида инспектор лавозимларида хизмат қилган.

<sup>1</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- ЎЗР ПДА, 58 –фонд, 65- рўйхат, 359 –иш, 86-89 –варақлар

<sup>2</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539 -вароқ.

<sup>1</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- ЎЗР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат 300 - иш, 50-52- варақлар.

<sup>2</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539 -вароқ.

1932 йил августидан 1933 йил мартагача Наманган шаҳар молия бўлимида мудир ўринбосари, 1933 йил апрелидан 1934 йил сентябригача Наманган ижтимоий ер банкasi бошқарувчиси, 1934 йил декабридан 1936 йил июнига қадар Наманган шаҳар совети ташкилий бўлим мудирси, 1936 йил июлидан то хибсга олингунга қадар Наманган райони ер – сув бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. Ўзбек ва рус тилларини билган<sup>1</sup>.

СССР Олий суди харбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилишида Қобулов Орифжон отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган<sup>2</sup>. Партия XX съезидан сўнг реабилитация қилинган.



**Тошхўжаев Содик**, 1906 йили Наманган шаҳрида этикдўз хунарманд оилада туғилган, ўзбек, асосий касби – хизматчи, маълумоти ўрта, 1929 йилдан партия аъзоси.

Отаси 1919 йили вафот этган. Онаси чорикорнинг кизи бўлиб 1906 йили вафот қилган.

Содикжон Тошхўжаев 1937 йил 18 июлда ёзган таржимаи холида қуйидагиларни қайд этган экан: “... Мен 1915 йилга қадар отам ва қариндошларим тарбиясида бўлдим. 1915 йили отам иккинчи хотинга уйлангач ўғай онамнинг таққирлашларига, хўрлашларига бардош бераолмай оилада яшаш учун имкон бўлмагач онамнинг дадаси, катта отам Наманган шаҳридаги бир хунармандга шогирдликка берган, унинг қўлида 1917 йилгача балаларга қараб туриш билан кун кўрдим

1917 йилдан 1922 йил бўйи Мулла Отабой ва Насриддин Қодиров деган бойлар қўлида батрак бўлиб

хизмат қилдим.

1922 йилдан 1924 йилгача Наманган шаҳридаги болалар ходимлари тайёрлайдиган курсларда ўқидим.

1924 йилдан 1926 йилгача Чуст шаҳридаги болалар уйида тарбиячи бўлиб ишладим, 1926 йилдан 1927 йилгача Наманган шаҳар касаба союз советида клуб мудирси бўлиб ишладим, 1927 йилдан 1928 йилгача Наманган шаҳар комсомол комитетининг секретари бўлиб ишладим.

1928 йили Асакага район комсомол комитети секретари қилиб ташландим, бу ерда 1929 йилгача ишладим.

Кейин 1929 йили Ўз Компартия Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарғиботчилари тайёрлайдиган курсда ўқидим. Уни тугатгач 1930 йил охиридан Андижон округ халқ маорифи бўлими ижтимоий тарбия мудирси, кейин Кадрлар бўлими мудирси бўлиб ишладим. 1930 йил охирида округлар тугатилиши муносабати билан мен Балиқчи районида ўтказилдим, бу районда 2 йил район халқ маорифи бўлими мудирси, бир вақтнинг ўзида биринчи йилида район соғлиқни сақлаш мудирси лавозимида ишладим.

1932 йилдан 1933 йилгача Самарқандда УзГУда ўқидим, бу жойдан 2-курсдалигимда сиёсий бўлимда ишлаш учун сафарбар қилиндим. 1933 йил 10 мартдан 1935 йилгача биринчи Марғилон МТС комсомол иши бўйича сиёсий бўлим ёрдамчиси бўлиб хизмат қилдим. 1935 йил январидан сиёсий бўлимлар тугатилгандан кейин Октябрь район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишладим, 1935 йил 5 майдан 1937 йил 13 январгача Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитетининг

<sup>1</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- ЎзР ПДА, 58 –фонд, 65- рўйхат, 321 –иш, 139-140 –варақлар

<sup>2</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- РФ РФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 539 -варақ.

комсомол раҳбарият органлари бўлими мудирлари бўлиб ишладим, бу жойдан ЛКСМУЗ Марказий Комитети қарори билан Қўқон шаҳар комсомол комитети секретарлигига ўтказилдим ва бу ерда ҳозирги вақтгача ишламоқдаман. Комсомолга 1923 йили кирганман. 1929 йилдан партия аъзоси Тошхўжаев 18/7-37й”<sup>1</sup>.

Содиқ Тошхўжаевнинг 1937 йил 16 июлда ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасида 1935 -1936 йилларда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига аъзо, 1933-1934 йиллар Марғилон шаҳар партия комитетига аъзо, 1937 йил Қўқон шаҳар партия комитети бюроси аъзоси эканлиги, 1933 -1934 йиллари Ўзбекистон ССР ер ишлари халқ комиссари сиёсий бўлими томонидан пахта мустақиллиги учун курашдаги яхши ишлари учун ҳамда ёшлар орасидаги ишлари учун велосипед, 300 сўм пул ва соат билан тақдирлангани, яшаш манзили- Тошкент шаҳри Пушкин кўчаси, 19- уй эканлиги қайд этилган.

СССР Олий суди харбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябридаги йиғилишида 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган<sup>2</sup>. Ўша йилнинг ўзида ГУЛАГ лагерларидан бирига этап қилинган. Қайси лагерда ва қачон махбуслик муддатини ўтагани, лагердаги турмуши, меҳнат фаолияти, лаг-рдан қайтган, қайтмаганлиги ҳозирча номаълум. Ўйлаймизки унинг яқин қариндошлари, кўрган ва билган кишилар у туғилиб ўсган Наманган шаҳрида, ишлаган Андижон, Қўқон, Тошкент, бирга ўқиган УзГУнинг собиқ талабалари бу инсон ҳақида баъзи бир ҳужжатлар, эсдаликлар бўлса керак. Уларни излаб топиш ва бу қатағон қурбонининг ҳаёт йўлини ёритиш келгусидаги тадқиқот ишларидир.

Юқорида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Совет даврида Ўзбекистондан қатағон қилинганлар миқдори ҳақида келтирилган аниқ рақамларни келтирган эдик. Энди айти 1937-1938 йилларда қатағон қилинганлар миқдори ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун қуйидаги жадвалларни келтиришни лозим билдик.

#### ЎЗБЕКИСТОН ССР. АҲОЛИ МИҚДОРИ 5847448 КИШИ

	1 –категория	2- категория	Жами	Асоси
<b>Лимит</b>				
<b>11.07.1937</b>	1489	<b>3952</b>	<b>5441</b>	<b>00447 буйруғ</b>
<b>30.07.1937</b>	<b>750</b>	<b>4000</b>	<b>4750</b>	
<b>1938 йил 1 январдан олдин эмас</b>	<b>4750</b>	<b>8000</b>	<b>12750</b>	<b>Тасдиқланган</b>
<b>31.01.1938 плюс</b>	<b>2000</b>	<b>500</b>	<b>2500</b>	<b>Сиёсий бюро</b>
<b>1938 йил 1.03. дан олдин эмас</b>	<b>6750</b>	<b>8500</b>	<b>15250</b>	<b>Тасдиқланган</b>
<b>Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган</b>				
<b>1938 йил 1.01.дан олдин эмас</b>				
<b>Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган</b>	<b>-/3613</b>	<b>-/7087</b>	<b>10700/10700</b>	
<b>Собиқ қулоқлар</b>	<b>-/1376</b>	<b>-/4548</b>	<b>5924/5924</b>	
<b>Жиноятчилар</b>	<b>-/952</b>	<b>-/727</b>	<b>1679/1679</b>	
<b>Бошқа</b>	<b>-/1285</b>	<b>-/1812</b>	<b>3097/3097</b>	

<sup>1</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- ЎзР ПДА, 58 –фонд, 79- рўйхат, 101 –иш, 244-146–варақлар

<sup>2</sup> “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фондидан- РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 541-варақ

аксилинқилобий “элементлар”				
<b>1938 йил 1.03дан олдин эмас.</b>				
Қамокқа олинган, ҳукмга тортилган	-/3613	-/7087	10700/10700	
Собиқ қулоқлар	-/1376	-/4548	5924	
Жиноятчилар	-/952	-/727	1679	
Бошқа аксилинқилобий “элементлар”	-/1285	-/1812	3097	
<b>Жами</b>				
1937-1938 лимитлар	6750	8500	15250	
Лимит%	0,11%	1,5%	0,26%	
1937-1938 ҳукм қилинганлар	3613	7087	10700	
Ҳукмга тортилганлар %	0,11%	1,5%	0,26% <sup>1</sup>	

#### ҚИРҒИЗИСТОН ССР АҲОЛИ МИҚДОРИ 1369667 КИШИ

	1 –категория	2- категория	Жами	Асоси
<b>Лимит</b>				
30.07.1937	250	500	750	00447 буйруғ
1938 йил 1 январдан олдин эмас	750	1500	2250	
31.01.1938 плюс	500		500	Сиёсий бюро
1938 йил 1.03. дан олдин эмас	1250	1500	2750	Тасдиқланган
<b>Қамокқа олинган, ҳукмга тортилган</b>				
<b>1938 йил 1.01.дан олдин эмас</b>				
Қамокқа олинган, ҳукмга тортилган	-/746	-/1504	2250/2250	
Собиқ қулоқлар	-/381	-/744	1125/1125	
Жиноятчилар	-/139	-/268	407/407	
Бошқа аксилинқилобий “элементлар”	-/226	-/492	718/718	
<b>1938 йил 1.03дан олдин эмас.</b>				
Қамокқа олинган, ҳукмга тортилган	-/746	-/1504	2250	

<sup>1</sup> Юнче Марк, Бордюгов Геннадий, Биннер Рульф. Вертикаль Большого террора. История операции по приказу НКВД № 00447. Новый Хронограф. М. 2008. с. 529.

Собиқ қулоқлар	-/381	-/744	1125	
Жинойтчилар	-/139	-/268	407	
Бошқа аксилинқилобий “элементлар”	-/226	-/492	718	
<b>Жами</b>				
1937-1938 лимитлар	1250	1500	2750	
Лимит%	0,1%	0,1%	0,2%	
1937-1938 ҳукм қилинганлар	746	1504	2250	
Ҳукмга тортилганлар %	0,05%	0,11%	0,16% <sup>1</sup>	

### ТОЖИКИСТОН ССР АҲОЛИ МИҚДОРИ 1382168 КИШИ

	1 –категория	2- категория	Жами	Асоси
<b>Лимит</b>				
10.07.1937			1775	Сиёсий бюро сўрови
30.07.1937	500	1300	1800	00447 буйруғ
1938 йил 1 январдан олдин эмас	1750	2900	4600	Тасдиқланган
31.01.1938 плюс	1000	500	1500	Сиёсий бюро
1938 йил 1.03. дан олдин эмас	3300	3400	6700	Тасдиқланган
<b>Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган</b>				
<b>1938 йил 1.01.дан олдин эмас</b>				
Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган	-/2582	-/4552	7350/7350	
Собиқ қулоқлар	-/1467	-/2500	3967/3967	
Жинойтчилар	-/228	-/239	470/467	
Бошқа аксилинқилобий “элементлар”	-/887	-/1813	2913/2700	
<b>1938 йил 1.03дан олдин эмас.</b>				
Қамоққа олинган, ҳукмга тортилган	-/2582	-/4552	7134/7134	
Собиқ қулоқлар	-/1467	-/2500	3967	
Жинойтчилар	-/228	-/239	470	
Бошқа аксилинқилобий “элементлар”	-/887	-/1813	2700	

<sup>1</sup> Юнче Марк, Бордюгов Геннадий, Биннер Рульф. Вертикаль Большого террора. История операции по приказу НКВД № 00447. Новый Хронограф. М. 2008. с. 527

Жами				
1937-1938 лимитлар	3300	3400	6700	
1937-1938 хукм килинганлар	2582	4552	7134	
Хукмга тортилганлар %	0,19%	0,33%	0,52% <sup>1</sup>	

**ТУРКМАНИСТОН ССР АҲОЛИ МИҚДОРИ 1168538 КИШИ**

	1 –категория	2- категория	Жами	Асоси
<b>Лимит</b>				
09.07.1937	500	1475	1975	Сиёсий бюро сўрови
Собиқ кулоқ, жиноятчилар	400/100	1200/275	1975	
30.07.1937	500	1500	2000	00447 буйруғ
	1600	2800	4400	НКВД
1938 йил 1 январдан олдин эмас	1600	2800	4400	Тасдиқланган
09.01.1938 плюс	125	252	377	НКВД
27.01.1938 плюс	500		500	НКВД
31.01.1938 плюс	1000		1000	Сиёсий бюро
1938 йил 1.03. дан олдин эмас	3255	3052	6277	Тасдиқланган
<b>Қамоққа олинган, хукмга тортилган</b>				
<b>1938 йил 1.01.дан олдин эмас</b>				
1937 йил августдан 1937 йил декабргача хукм килинганлар	1824	3340	5164	
Қамоққа олинган, хукмга тортилган	-/1671	-/2967	4638/4638	
Собиқ кулоқлар	-/531	-/1644	2175/2175	
Жиноятчилар	-/269	-/556	825/825	
Бошқа аксилинқилобий “элементлар”	-/871	-/767	1638/1638	
<b>1938 йил 1.03дан олдин эмас.</b>				
Қамоққа олинган, хукмга тортилган	-/2442	-/4328	6770/6770	
Собиқ кулоқлар	-/659	-/2167	2826	

<sup>1</sup> Юнче Марк, Бордюгов Геннадий, Биннер Рульф. Вертикаль Большого террора. История операции по приказу НКВД № 00447. Новый Хронограф. М. 2008. с. 528

<b>Жиноятчилар</b>	<b>-/451</b>	<b>-/933</b>	<b>886</b>	
<b>Бошқа аксилинқилобий “элементлар”</b>	<b>-/1296</b>	<b>-/1228</b>	<b>2223</b>	
<b>1938 йил январдан 1938 йил сентябргача ҳукм қилинганлар</b>	<b>2213</b>	<b>5882</b>	<b>8095</b>	
<b>Жами</b>				
<b>1937-1938 лимитлар</b>	<b>3255</b>	<b>3052</b>	<b>6277</b>	
<b>1937-1938 ҳукм қилинганлар</b>	<b>2442</b>	<b>4328</b>	<b>6770</b>	
<b>Ҳукмга тортилганлар %</b>	<b>0,21%</b>	<b>0,37%</b>	<b>0,58%</b>	
<b>1937 йил августидан 1938 йил августигача ҳукмга тортилганлар</b>	<b>3225</b>	<b>3052</b>	<b>6277 0,53%</b>	
<b>Испекция 1939 й</b>	<b>4037</b>	<b>9222</b>	<b>13259</b>	
<b>Ҳукмга тортилганлар %</b>	<b>0,34%</b>	<b>0,79%</b>	<b>1,13%</b>	

## ХУЛОСА

Шукурки, истиқлолдан кейин мозийнинг энг кир, қора кунлари бўлган, бугунги тарихшуносликда «Катта қирғин» дея баҳоланаётган 1937-1938 йилларга холис, миллий истиқлол мафқурасидан келиб чиқиб ҳаққоний баҳо берилди. Шунга доир тадқиқотлар, асарлар яратилди, яратилмоқда.

Айниқса, бу даврда кўплаб инсонларга қўйилган айблар атайин тўқиб чиқарилгани, ёки ўз ҳақ-ҳуқуқини кўтариб чиққан шахслар ҳам ОГПУ-ГПУ-НКВД идоралари томонидан сохталаштирилган ҳужжатлар асосида айблангани маълум бўлди.

Шундай қилиб 1937-38 йиллар даври "катта террор" даврининг кульминацион нуқтасидир. Биз бу "катта террор" кимлар томонидан "ижод қилинган" ва бу мудҳиш фожеанинг илдишлари чуқур эканлигининг ва уни аниқлаш йўлида турли қарашлар, талқинлар борлигининг ҳам шоҳиди бўлдик.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, сиёсий қатағон ва унинг бир қисми "катта террор" нинг юзага келишида муайян объектив сабаблар ҳам бўлган. Партия ва совет ҳокимиятига, айниқса уларнинг раҳбариятига қарши қаратилган муҳолифат кучлар кураш олиб бориб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун бор имкониятларини ишга солиб, барча воситаларни қўллаб, тиш тирноқлари билан жанг олиб бордилар. Бундан ташқари, мамлакатнинг турли минтақаларидаги, ҳатто пойтахт Москва ва бошқа йирик шаҳарларда узоқ вақтдан бери раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган партия функционерлари мавқеларини, раҳбарлик лавозимларини қўлда сақлаб қолиш мақсадида "аксиланкилобчилар", "советларга қарши кучлар", "собик қулоқлар", "жиноятчилар". "советларга қарши кучлар", " собик қулоқлар", " жиноятчилар", советларга сайлов ўтказиш жараёнига қаршилик кўрсатаётганликларини рўқач қилиб, рақибларига нисбатан кескин репрессив чоралар кўришни Марказдан, Сиёсий бюродан, Сталиндан сўраб мурожаат қилдилар. Аслида улар 1936 йилги СССР Конституциясида белгилаб берилган янги сайлов тизимига қарши ўт очган эдилар. Чунки янги сайлов тизимида реал ҳокимиятни партиядан халқ қўлига олиб бериш, кенг халқ демократиясини жорий қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилган эди. Янги сайлов тизими асосида сайлов ўтказиш туфайли ана шу маҳаллий партия раҳбарлари реал амал-вазифаларидан маҳрум бўлишлари кутилди. Шу боис партия функционерлари барча " советларга қарши кучлар" –собик қулоқлар ва жиноятчиларни қамсоққа олиш, отувга ҳукм этиш таклифлари билан Марказга мурожаат қилдилар. Хуллас, 1937-1938 йиллардаги "катта террор" нинг юзага келишида маҳаллий партия функционерларининг ўрни ва роли ҳам оз бўлмаган шоҳиди бўлдик.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, сиёсий қатағон ва унинг бир қисми "катта террор" нинг юзага келишида муайян объектив сабаблар ҳам бўлган. Партия ва совет ҳокимиятига, айниқса уларнинг раҳбариятига қарши қаратилган муҳолифат кучлар кураш олиб бориб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун бор имкониятларини ишга солиб, барча воситаларни қўллаб, тиш тирноқлари билан жанг олиб бордилар. Бундан ташқари, мамлакатнинг турли минтақаларидаги, ҳатто пойтахт Москва ва бошқа йирик шаҳарларда узоқ вақтдан бери раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган партия функционерлари мавқеларини, раҳбарлик лавозимларини қўлда сақлаб қолиш мақсадида " аксиланкилобчилар", "советларга қарши кучлар", "собик қулоқлар", "жиноятчилар". "советларга қарши кучлар", " собик қулоқлар", " жиноятчилар", советларга сайлов ўтказиш жараёнига қаршилик кўрсатаётганликларини рўқач қилиб, рақибларига нисбатан кескин репрессив чоралар кўришни Марказдан, Сиёсий бюродан, Сталиндан сўраб мурожаат қилдилар. Аслида улар 1936 йилги СССР Конституциясида белгилаб берилган янги сайлов тизимига қарши ўт очган эдилар. Чунки янги сайлов тизимида реал ҳокимиятни партиядан халқ қўлига олиб бериш, кенг халқ демократиясини жорий қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилган эди. Янги сайлов тизими

асосида сайлов ўтказиш туфайли ана шу маҳаллий партия раҳбарлари реал амал-вазифаларидан маҳрум бўлишлари кутилди. Шу боис партия функционерлари барча "советларга қарши кучлар" – собиқ кулоқлар ва жиноятчиларни қамсоққа олиш, отувга ҳукм этиш таклифлари билан Марказга мурожаат қилдилар. Хуллас, 1937-1938 йиллардаги "катта террор" нинг юзага келишида маҳаллий партия функционерларининг ўрни ва роли ҳам оз бўлмаган.

Ежовнинг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли мутлақо махфий тамға остидаги "Собиқ кулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни" ни қатағон қилиш бўйича операция ўтказиш тўғрисидаги оператив буйруғи Ўзбекистонда ҳам тезкорлик ва "илғорлик" билан бажарилди. Бу амалиётни бажаришда республика, округ, район партия ташкилотлари, советларнинг ижроия комитетлари, Ички ишлар халқ халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги сектор ва бўлимлари ходимлари жонбозлик кўрсатдилар. Бу операцияни ўтказишда кўплаб ноқонуний тадбирлар амалга оширилди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мислсиз топталди, бегуноҳ юртдошларимизга тўқима, сохта айблар қўйилди, хилма-хил чақувлар, тухматлар ишга солинди, тергов чоғида махбуслар беҳад қийновга, ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобга солинди. "Учлик" нинг ҳукми билан минглаб одамларимиз отувга ҳукм этилди, ҳукмлар жойларда тезкорлик билан ижро этилди, ҳар бир округда қатлгоҳлар, номаълум қабристонлар пайдо бўлди. 8-10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган қатағон қурбонлари узоқ-узоқ юртларга—Шимолга, Узоқ Шарққа, Сибирга, Уралга, Шимолий Қозоғистонга сургун қилиндилар. Уларнинг катта қисми ўша бегона юртларда қамоқ азобларига бардош бераолмай ҳалок бўлдилар, жуда ҳам оз қисми кейинчалик озод бўлиб юртга қайтдилар.

Ана шу чеку-чегараси йўқ «Катта қирғин» наманганлик юртдошларимизнинг, айти куч –қудратга тўлган, ҳали 40 ёшга ҳам етиб бормаган партия, давлат, жамоат арбобларини ҳам бошига мусибатлар, оғир кулфатлар келтирди.

Айбсиз айбдорга айланиб, уй-жойи, аҳли аёли, фарзандларидан нарида, олис ўлкаларда кечган оғир турмуш, аламли тақдирларни эсласак, кўнглимиздан ўтқарсак аждодларимизнинг эрк, истиклол, юрт, ота-она ва фарзандлари учун жон кечиб, мардона меҳнат қилиб, уларнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шаҳид кетган, юқорида номлари тилга олинган наманганликларнинг қалбида ҳам ҳасратли, ўтли хотиралар борлигига гувоҳ бўлдик. Биз ана шу давр тарихини нафақат архив ҳужжатлари, балки эсдаликлар, хотиралар асосида ҳам талқин қилганлигимиз, диссератциянинг мазмуни, амалий аҳамиятига ҳам ижобий таъсир қилди.

Хуллас, совет режими томонидан 1937 йил июлидан бошланган «Катта қирғин» 1938 йилнинг ноябригача давом этди. Бу мудҳиш қатағон бутун собиқ Иттифоқ халқлари тарихига энг фожеали саҳифа бўлиб кирди. Улар бу фожеани ҳеч қачон, асло ўз қалблари ва хотираларидан чиқармайдилар. Бу фожеа тарихимизнинг энг оғир, қайғули, аламли, ҳасратли, мотамли саҳифасидир.

**Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар**  
**1. Расмий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**И.А.Каримовнинг асарлари**

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2011.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 347 б.
- 1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 384 б.
- 1.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 429 б.
- 1.7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998. -31б.
- 1.8. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7- жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 1.9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. 9-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2001. 432 б.
- 1.11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10- жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – 408 б.
- 1.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
- 1.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 1.14. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
- 1.15. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини экс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. - 24 б.
- 1.16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 54. б.
- 1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”. – Тошкент, 1999 йил 12 май.
- 1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”. – Тошкент, 2001 йил 1 май.
- 1.19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлашти-риш тўғрисида”. – Тошкент, 1999 йил, 22 июль.

**2. Адабиётлар ва манбалар:**

- 2.1. Алимова Д.А. Шамсутдинов Р.Т. К изучению проблемы историо-графии и истории коллективизации сельского хозяйства. //O'zbekiston tarixi. –Тошкент, 2007. -№ 1. –Б.24-34.
- 2.2. Алимова Д.А. История как история, история как наука. – Ташкент: Ўзбекистон, Т.1. 2008; Т.2. 2009.
- 2.3. Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? // Коммунист Узбекистана. 1989, -№ 9. –С.31-33.
- 2.4. Аминова Р.Х. Коллективлаштириш-қашшоқлаштириш демак. // Шарқ юлдузи, 1992. -№12. -Б.183-188.

- 2.5.Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. –Т.: Фан, 1995. 206 с.
- 2.6.ГУЛАГ: главное управления лагерей 1918-1960. –М.: МФД, 2002. – 888 с.
- 2.7.Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР, 1930-1960гг. –Москва: Наука, 2003. –С. 306.
- 2.8.Земсков В.Н. Юсупов Э.Ю. О книге “Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивания, ссылка, 1929-1955 гг.” Документы и материалы. В 3 томах. // Отечественная история. –Москва, 2007. - №6.
- 2.9.Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревни и ликвидация кулачества как класса. –М.: Наука, 1972. -С.145.
- 2.10.Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. –Москва: Собрания, 2004. - С. 296.
- 2.11.Расулов Б. XX асрнинг 20-30 йилларида Самарқандда сайлов хуқуқлари сиёсати. // Самарқанд шахрининг 2750 йиллигига бағишланган республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2007.
- 2.12.Ражабов Қаҳрамон, Ражабов Дилшод. Селдай келган офат (давр фожеаси хужжатлар нигоҳида). // Муҳофаза, 2007. -№1(27).
- 2.13.Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск №1. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. отв. ред. Н.Ф.Каримов. – Т.: Шарк, 2005, - 285 с.
- 2.14.“Репрессия” 1937-38гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э, Мамажонов А, Дўсматов Э. – Т.: Шарк, 2007. –495 с.
- 2.15.Репрессия 1937-38гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарк, 2008. – 573 с.
- 2.16.Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов С., Дусматов Э.П. – Андижан, 2007. – 500 с.
- 2.17.Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачи-вания, ссылка. 1929-1955гг. Документы и материалы. Том I-III. (Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.Расулов. под ред. Д.А.Алимовой - АН РУз., Институт истории). –Т.: Шарк, 2006. Том I. – 656 с., Том II. – 494 с., Том III. -351 с.
- 2.18.Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.:Шарк, 2001. –Б. 354.
- 2.19.Шамсутдинов Р.Т. Истиклол йўлида шахид кетганлар. –Т.: Шарк, 2001. – 416 б.
- 2.20.Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). –Т.: Шарк, 2003. –Б.164-170.
- 2.21.Шамсутдинов Р.Т., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. –Т.: Шарк, 2005. –Б. 20-32.
- 2.22.Шамсутдинов Р.Т. ва бошқалар Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. –Т.: Шарк, 2006. – 304 б.
- 2.23.Шамсутдинов Р.Т. ва бошқалар 2.6. Ватанимиз ўтмишидан. -Андижон, 2007. – 200 б.
- 2.24.Шамсутдинов Р.Т. Катағон қурбонлари.(1937 йил 10 август- 5ноябрь). Иккинчи китоб. Масъул муҳаррир Н.Ф.Каримов. –Т.: Шарк, 2007. –495 б.
- 2.25.Шамсутдинов Р.Т. Катта террор айбдорлари ҳақида янги талқинлар. - Андижон, 2007. - Б. 47-64.
- 2.26.Шамсутдинов Р.Т. ва бошқалар. Андижон тарихидан лавҳалар. – Андижон, 2008.

2.27. Шамсутдинов Р.Т., Акбарова М.Л. Шимолий Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2009.

2.28. [http://ru.wikipedia.org/wiki/ Кулак](http://ru.wikipedia.org/wiki/Кулак) - (крестьянин). Материалы из Википедии – свободной энциклопедии.

2.29. [www.uzmeros.uz/books.hph](http://www.uzmeros.uz/books.hph). “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси фонди китобларидан.

#### **4. Диссертация ва диссертация автореферати:**

4.1. Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг кулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1925-1945йиллар). Фан номзоди дисс. автореферати. - Тошкент, ЎЗР ФА, 2002. – 30 б.

4.2. Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқ-ларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. Фан номзоди дисс. автореферати. - Андижон, АДУ. 2005. – 32 б.